

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МОҲИЯТИ.....	6
1.1. Тижорат банклари молиявий натижаларининг моҳияти ва аҳамияти.....	6
1.2. Тижорат банклари харажатлари ва уларнинг таркиби.....	15
2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИ.....	20
2.1. Тижорат банклари даромадлари ҳисоби ва унинг амалий таҳлили.....	20
2.2. Тижорат банклари харажатлари ҳисоби ва унинг таҳлили.....	29
3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ.....	40
3.1. Тижорат банклари даромадлари ва харажатларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар.....	40
3.2. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш йўналишлари.....	48
Хулоса.....	55
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	58

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз молия-банк тизими барқарор ва ишончли фаолият юритиб, юқори кўрсаткичларни намоён этиб келмоқда. 2012 йилда банк тизимининг жами капитали 24,3 фоизга, сўнгги уч йилда эса икки баробар кўпайди.

Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012 йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортиқмоқда, бу эса талаб этиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.

2010 йилда мамлакатимизнинг атиги 13 та тижорат банки ижобий халқаро рейтингга эга бўлган бўлса, айни пайтда уларнинг сони 28 тага етди.

Банклар фаолиятида, ўтган йиллардаги каби, инвестиция фаолиятига катта эътибор қаратилди¹.

Бугунги кунда республикаимиз банк-молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш муҳим устувор вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда банкларнинг капиталлашуви ва инвестициявий фаоллигини янада ошириш, иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларнинг устувор йўналишларини қайта тиклаш ва кенгайтириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган кредитлаш ҳажмини оширишга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини қайд этиш муҳимдир.

Тижорат банклари бозор инфратузилмасидаги ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун функцияларини тўлақонли тарзда бажаришлари талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг молиявий барқарорлигини таъминлашни тақозо қилади. Тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг бирламчи зарурий шарти — капитал етарлилигини таъминлаш, банк активларининг барқарор даромадлилик даражасига эришиш, банк фойдасини кўпайтириш ва ўз навбатида банк харажатларини камайтириш ҳисобланади.

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Тошкент-“Ўзбекистон”-2013-Б.6.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов «...айнан банклар, таъбир жоиз бўлса, бутун иқтисодийтимизни озиқлантириб турадиган қон томирлари ҳисобланади, мамлакатимизнинг молиявий–иқтисодий барқарорлиги кўп жиҳатдан уларнинг самарали фаолиятига боғлиқ»² –дея таъкидлайди.

Банкнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш асоси унинг капитали ва банк фаолиятининг даромадлилиги ҳисобланади. И.А.Каримов «...тижорат банклари етарли капиталга эга, молиявий барқарор бўлиши лозим»³лигини таъкидлаб ўтади. Ҳар бир тижорат банкининг мақсади – ўз даромадларини кўпайтириш ва харажатларини камайтириш ҳисобига, максимал фойда олишдир. Риск даражаси юқори бўлган шароитда тижорат банклари барқарорликни таъминлашлари учун даромадлиликка, ликвидлиликка, тўлов қобилиятига доимо эътибор қаратишлари, ўз олдига қўйган мақсадларга эришиш учун банклараро ўзаро муносабатлар рақобатида самарали фаолият юритишлари талаб этилади.

Тижорат банкларида даромад ва харажатлар ҳисобини халқаро сатндартлар асосида ташкил қилишнинг услубий жиҳатлари етарлича тадқиқ қилинмаганлиги; тижорат банклари даромадлари, харажатлари ҳисобварақларда ва молиявий ҳисоботларда тўғри акс эттирилмаётганлиги; банк молиявий натижаларни шакллантириш, уни ҳисоб-китоб қилиш, самарали таҳлил қилиш ва банк фойдасини тақсимлаш каби муаммоларнинг мавжудлиги, уларни ҳал этишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш зарурлиги мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилиш билан боғлиқ масалалар кўпчилик иқтисодчи олимлар ва мутахассисларнинг диққат марказида бўлган.

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари –Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.53.

³ Каримов И.А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир –Т.: Ўзбекистон, 2010. – Б. 57.

Банкларда даромад ва харажатлар ҳисобининг айрим жиҳатлари республикамиз олимларидан Ш.З. Абдуллаева, Б.Т. Бердияров, Н.Ю. Жўраев, Н.Ф. Каримов, У.И. Костаев, Ё.А. Маҳмудалиева, С.Ш. Юлдашев, А.Қ. Қодиров, З.А. Умаровларнинг⁴ илмий ишларида ўз ифодасини топган. Шу ўринда А.Қ. Қодиров⁵ ва Ё.А. Маҳмудалиеваларнинг⁶ тижорат банкларининг молиявий фаолияти таҳлиliga бағишланган илмий ишларини таъкидлаш мумкин.

Юқорида қайд этилган илмий ишларда тижорат банклари даромадлар ва харажатлари ҳисоби, уларни бухгалтерия ҳисобида тан олиш, молиявий натижаларни таҳлил қилиш яхлит ҳолда ўрганилмаган. Юқоридагилардан келиб чиқиб, тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этишнинг зарурлиги ушбу муаммонинг долзарблигини белгилайди ва мазкур мавзунинг мустақил диссертацион тадқиқот объекти сифатида танланишига асос бўлди.

Тадқиқот мақсади –тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишни такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

– тижорат банклари молиявий натижаларининг моҳияти ва аҳамиятини ўрганиш ҳамда назарий хулосаларни шакллантириш;

⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. – Т.: Молия, 2002. – 304 б.; Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.; Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 1998. – 23 б.; Костаев У.И. Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2002. – 22 б.; Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.; Юлдашев С.Ш. Бухгалтерский учет в коммерческих банках Республики Узбекистан. Учебные материалы ИЭО. – 1995. – 144 с.; Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. – СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. – 152 с.; Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010. – 24 б.

⁵ Қодиров А.Қ. Коммерческие банки и анализ их хозяйственной деятельности. – СПб.: издательство СПбУЭФ, 1993. – 152 с.

⁶ Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2001. – 23 б.

- тижорат банклари харажатлари ва уларнинг таркибини тадқиқ қилиш;
- тижорат банклари даромадлари ҳисоби ва унинг амалдаги ҳолатини таҳлил қилиш;
- тижорат банклари харажатлари ҳисоби ва унинг таҳлилин аналга ошириш;
- тижорат банклари даромадлари ва харажатларини бошқариш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда талқин этиш;
- тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш йўналишларини ёритиб бериш.

Тадқиқот объекти – Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари молиявий фаолияти ҳисобланади.

Тадқиқот предмети – тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини ташкил қилиш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Илмий янгилиги:

- тижорат банкларида даромад ва харажатларни ҳисобга олиш тамойилларини қўллаш бўйича амалий таклифлар ишлаб чиқилган;
- тижорат банкларида молиявий натижаларни шакллантириш ва молиявий ҳисоботда акс эттириш тартибини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар берилган;
- банкнинг фойда ва зарарлари таркибини ўрганиш асосида молиявий натижалар тизимини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;
- тижорат банкларида молиявий натижаларни таҳлил қилиш усулларини қўллаш бўйича таклифлар берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотлар жараёнида олинган илмий натижалар ва амалий таклифлар тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил қилишни такомиллаштиришда, мавжуд

муаммоларни ҳал этиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқишида кенг фойдаланиш мумкинлиги, Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларидаги ўзгаришлар диссертацияда ўз ифодасини топганлиги, тижорат банклари ҳисобварақлар режасига аниқликлар ва қўшимчалар киритилганлиги бухгалтерия ҳисобининг тўғри юритилишига ва молиявий ҳисоботнинг сифатини оширишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ишининг ҳажми 83 бетни ташкил этиб, 7 та жадвал ва 2 та расмдан иборат.

Тадқиқот ишининг кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, унинг ўрганилганлик даражаси, ишнинг объекти ва предмети, мақсади ва вазифалари, мавзунинг назарий-амалий аҳамияти, илмий янгилиги ва ишнинг таркиби ёритиб ўтилган.

Тадқиқот ишининг биринчи бобида тижорат банклари молиявий натижаларининг назарий асослари ва моҳияти ёритилган.

Тадқиқот ишининг иккинчи бобида тижорат банклари даромадлари ва харажатларининг ҳисоби ҳамда таҳлили кўрсатиб ўтилган.

Тадқиқот ишининг учинчи бобида тижорат банклари молиявий натижаларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар ва улар ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш йўналишлари ёритиб ўтилган.

Тадқиқот ишининг хулоса қисмида мавзуни ёритишда шакллантирилган хулосалар, илмий таклиф ва амалий тавсиялар келтириб ўтилган.

1-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ ВА МОҲИЯТИ

1.1. Тижорат банклари молиявий натижаларининг моҳияти ва аҳамияти

Тижорат банкларининг молиявий ҳолатини баҳолаш ва бошқариш, муаммони тўғри ва оқилона ҳал этиш учун, энг аввало, тижорат банклари даромадининг иқтисодий мазмуни тўғрисида ўзимизнинг мустақил фикримизга эга бўлмоғимиз лозим. Бизнинг фикримизча, бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиётнинг соҳалари турли хил бўлишига қарамасдан улар даромадининг иқтисодий табиати, моҳияти ягонадир ёки бир хилдир, деган фикр маълум маънода етарли даражада ўз асосига эга эмасдир. Бунинг боиси шундаки, тижорат банкларининг даромади ўзининг маълум бир хусусиятларига эгадир. Ўз навбатида, бу хусусиятлар тижорат банклари даромадининг иқтисодий табиатига, унинг моҳиятига ўз таъсирини кўрсатади. Бу масалаларни биз диссертацион ишимиз ушбу параграфда имкон даражасида ёритишга ҳаракат қиламиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида ҳар бир хўжалик юритувчи субъект, жумладан тижорат банклари учун ҳам даромаднинг мазмуни ва моҳияти тўғрисидаги масала энг долзарб бўлган муаммолардан бири бўлиб, у ҳозирги шароитда муҳим аҳамият касб этади. Ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлардагидек даромад тижорат банки ривожланиши ёки тараққий этиши ҳамда банк капиталини жамғариш учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Иқтисодиётда мулкчиликнинг хилма-хил шакллари ҳукм сураётган бир пайтда даромаднинг жумладан, тижорат банклари даромадининг ҳам иқтисодий моҳиятини тўғри аниқлаш учун бу категорияни таҳлил қилиш заруратини келтириб чиқаради.

Агар биз асосий эътиборни тижорат банкларининг даромадига қаратадиган бўлсак, у ҳолда шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, уларнинг

даромадлари олинган барча фоизлар, комисион йиғимлар ва дивидендлардан ташкил топади.

Тижорат банкларининг даромадлари ва уларнинг иқтисодий мазмуни тўғрисида фикр билдириляётган пайтда банк фаолиятининг ва шу жойдаги меҳнатнинг характерли хусусиятлари ҳам назардан четда қолмаслиги керак. Тижорат банклари ўзларининг фаолиятлари давомида хизматлар кўринишидаги маҳсулот яратадилар ва шу маҳсулотни яратувчи хизматлар жуда ҳам хилма-хил характерга эгадир. Биринчидан, ана шундай хизматлардан бири воситачилик хизматлари деб аталадики, улар ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг маблағларини сақлаш, ҳисоб-китобларни амалга ошириш, кредит бериш ва ҳоказолар билан боғлиқ бўлган хизматлардир. Иккинчидан, маълум даражада даромадли (самарали) хизматларни тижорат банклари кўрсатиб, уларга лизинг операциялари, шартнома асосида қтисодий экспертиза, хўжалик фаолиятининг таҳлили, маслаҳатлар бериш ва бошқалар кирадики, уларни, бизнинг фикримизча, илмий-техникавий маҳсулотларга тенглаштириш мумкин.

Ривожланган хорижий банк амалиётига назар солсак, у ҳолда ҳозирги шароитда уларнинг даромадлари кўпинча кредитларни бериш орқали олинадиган фоизлар ҳисобидан шаклланаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Худди шу ҳолатдан бўлса керак, жуда кўп иқтисодий адабиётларда олинган фоизлар тижорат банкларининг даромадлари сифатида талқин қилинаётир. Бизнинг фикримизча, банк даромадларини бу тарзда талқин этиш ўзининг етарли асосига эга эмасдир, чунки, берилган кредитлар учун олинган фоизлар кредитлар бўйича даромад ҳисобланади ва фоиз берилган кредитнинг даромадлилигини аниқлаб беради.

Банк актив операцияларининг энг асосийси бўлган бу фаолиятдан олинган - «даромад жалб қилинган ресурслар ҳисобидан берилган кредитлар бўйича олинган фоизлар билан жалб қилинган ресурслар бўйича банк томонидан тўланган фоизлар ўртасидаги фарқдан иборат»дир. Шу билан биргаликда, аслида бу ерда мана шу операциялар ҳиссасига тўғри

келадиган, банк томонидан амалга ошириладиган моддий харажатларни ҳам ҳисобга олиш керакдир.

Тижорат банкларининг фаолиятига диққат билан назар соладиган бўлсак, «банк пул маблағларини мижозларга жойлаштиришдан олинган фоизлар банк фаолиятдан олинган даромадлар»га мос тушишини аниқлашимиз мумкин. Шу билан биргаликда «барча операциялар бўйича "тижорат банкининг даромади пул маблағлари тушуми билан ўша операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат» эканлиги ҳам эсдан чиқмаслиги лозим. Маълумки, «тижорат банклари ҳисоб-китоб операцияларини, ҳисоб-касса хизматини кўрсатиш ва фонд операциялари бўйича ҳам маълум даромадга эга бўлади»лар. Бизнинг назаримизда, ушбу операциялар бўйича тижорат банкларининг даромадлари комисион мукофотлари (йиримлар, тўловлар) ва моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборат бўлиши, шубҳасиз.

Бозор иқтисодиёти шароитида тижорат банклари ўз маблағларини қимматли қоғозларга жойлаштиришдан олинган дивидентлар кўринишида ҳам даромадга эга бўлишлари мумкин. Бундан кўриниб турибдики, тижорат банкларининг даромади улар фойдасидан фарқли қлароқ мураккаб табиатга эгадир. Аслида эса тижорат банкларининг даромади банк ихтиёрига келган тушум билан моддий харажатлар ўртасидаги фарқдан иборатдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромад кўрсаткичининг молиявий адабиётларда ва кундалик амалиётда мустаҳкам ўрин олиши бошқа бир томондан хужалик юритувчи субъектлар фаолиятини баҳолаш ва рағбатлантиришда даромад курсаткичи имкониятларининг йўқ бўлиб қолганлиги ёки пасайганлигидан далолат бермайди. Аксинча, бундай шароитнинг вужудга келганлиги, бизнинг фикримизча, даромаднинг роли ва функциялари янада кучайганлигини кўрсатади. Худди шунинг учун ҳам, бизнинг назаримизда, шу кеча-кундузнинг энг муҳим вазифаларидан бири даромаднинг ҳажмига таъсир кўрсатувчи барча омилларни билиш, уни шакллантириш жараёнини оқилона бошқаришни билиш ёки

уддасидан чиқишдан иборатдир. Агар булар тижорат банклари фаолиятида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги инобатга олинадиган бўлса, унинг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги янада яққолроқ кўзга ташланади.

Аввало, тижорат банклари даромадларининг иқтисодий мазмуни тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар юқорида қайд этиб ўтганимиздек, тижорат банкларининг турли хил вазифалари замирида вужудга келади. Тижорат банкларининг даромади ссуда ва инвестиция операциялари бўйича, фойда нормасига, курсатилган хизматлар учун ундириладиган тўловлар миқдори, шунингдек активларнинг миқдори ва таркибига боғлиқдир.

Шуни алоҳида қайд этиб ўтишимиз лозимки, тижорат банкларининг фаолияти ниҳоятда кенг қамровли ва хилма-хилдир. Ягона бир холдинг компаниялари кўринишида, тижорат банклари ва унинг жойлардаги филиаллари кўрсатадиган хизматларнинг хилма-хиллигига, мумкин қадар ўз миқдорларига хизмат кўрсатишнинг қулай ҳамда арзон турли кўрсатмалар, буйруқлар сонини бир қадар чекланган тартибда қуллаш имкониятлари ривожланмоқда.

Сўнгги вақтларда банк ишига киритилаётган муҳим янгиликлардан бири кредит карточкаларини қўллаш, ишбилармонлар фирмаларга замонавий халқаро андозалар асосидаги ҳисоб варақалари асосида бухгалтерия хизматларини кўрсатиш, факторинг операциялари, ижарани молиялаштириш, евродоллар бозоридаги операцияларда иштирок этиш фавқулодда ҳолатларда пул ҳужжатларини инкассациялаш учун абонент яшиклари тизимидан фойдаланиш ва бошқалар.

Дунё миқёсида тан олинаётган энг илғор ва замонавий банк технологияларини Ўзбекистон банк тизимида қўллаш бу ўз-ўзидан банкларнинг даромадларининг кўламини кенгайтириб бормоқда.

Тижорат банклари даромадининг моҳияти ва бошқа молиявий институтларидан фарқланиб турувчи хусусияти - банк пул ресурсларини

ташкил этиб ва уларни юқори даромадли банк портфелларини яратиш лаёқати билан хусусиятланади.

Тижорат банклари ресурсларини ташкил қилиш имкониятлари иқтисодиёт учун муҳим аҳамият касб этади. Улар мослашувчан кредит тизимини амалга оширмоқда, қайсики иқтисодиётни барқарор ривожланишига зарур шарт-шароитларни яратиб бермоқда.

Банк кредитлари иқтисодиёт учун ниҳоятда муҳимдир, чунки улар қишлоқ хўжалигини, савдо ва саноатни молиялаштиришни таъминлайди. Кредитлар, бошқача қилиб айтганда «билвосита» ёки кўп босқичли бевосита ишлаб чиқариш жараёнидан фарқли равишда (ишлаб чиқариш тизимида)даги ерга ишлов бериб истеъмол моллари оладиган ёки табиий ресурслардан фойдаланиладиган тармоқларни ривожлантириш имкониятига эга.

Банк кредитларидан фойдаланиш натижасида фермерлар, қишлоқ хўжалиги корхоналари уруғликни, ем маҳсулотларини, ўғитларни ва бошқа маҳсулотларни, яъни қишлоқ хўжалиги учун энг зарур хом-ашё ва маҳсулотларни сотиб олишга имконият яратилади. Банк кредитлари ишбилармонларни хом-ашё ва ишлаб чиқариш машиналари сотиб олишлигини таъминлайди, бу эса ўша маҳсулот истеъмолчилари, саноат ва ҳукумат учун ниҳоятда зарур ҳисобланади. Улгуржи ва чакана савдо фирмалари банк кредитлари шаклларидан унумли фойдаланиб ўз омборларини тўлдиради ва истеъмолчиларга йўналтиради.

Тижорат банкларининг транспорт компанияларига кўрсатадиган молиявий ёрдамлари натижасида қулайликлар юзага келиши ҳамда ишлаб чиқарувчилардан сўнгги истеъмолчиларга маҳсулотларни юклаб жўнатишда ҳам қулайликлар юзага келади. Бундан ташқари улар қишлоқ хўжалигини, савдони ҳамда саноатни молиялаштиради ва ссудалар бериш билан истеъмолчилар талаб-эҳтиёжини қондиришни қулайлаштиради.

Тижорат банклари даромади иқтисодий мазмунининг яна бир муҳим хусусияти — тўлов механизмини таъминлаш ёки маблағларни кўчиришдир

ва бу вазифанинг аҳамияти ишончли чекларга ва кредит карточкаларига караганда муҳимликни таъминлайди, тўлов манбаларидан юқори самара билан фойдаланиш ялпи миллий маҳсулотга нисбатан молиявий операциялар ўсишига карамасдан пул жамғармасининг аста-секин камайишидан далолат беради.

Пул кўчириш операцияларида сезиларли ўринни талаб қилунгунга қадар депозитлар шаклидаги пул маблағлари эгаллайди, айниқса улардан фойдаланиш самарадорлиги тобора ошиб бормоқда. Бу ҳисоб-китобларни ишлаш технологиясининг жуда талаб даражасида эканлигидан далолат беради, бу эса ишбилармон компаниялар ва хусусий шахсларни ўз маблағларидан жуда самарали фойдаланишга интиштиради, ҳамда жамғармачиларга маблағларни тушиш ўртасидаги фарқни қисқартиради ва тўловларни ўз вақтида амалга оширишга имкон беради.

Пластик карточкаларини қўллаш тизимини яратиш бўйича ўтказилган тажрибалар уларнинг кредит карточкаларини қўллаш тизимига айнан ўхшашлигини тасдиқлади. Бу бир-бирига мос банкларни компьютерларига киритилади ва харид қилувчи ҳисоб варағидан маблағларни сотувчи ҳисоб варағига кўчирилади. Бу тизимлар банк кассаси автоматларини кўплаб банкларга ўрнатишдан далолат беради. Миқдори бу аппаратлардан фойдаланиши банк кредит карточкаларига банкдаги ўз счётидан маблағларини олиши ва сарфлаши мумкин, счётга пулларни киритиш, қарзларни қайтариш, жорий счётда ўз жамғарма счётидаги маблағларни ўтказишни амалга оширади.

Тижорат банкларининг муҳим вазифаларидан бири — иқтисодиётнинг барча тармоқлари учун, жамғармаларни тўпланишини таъминлаш, уларнинг социал эҳтиёжлари ва иқтисодиётнинг турли хил тармоқларида фойдаланилишини таъминлашдан иборат.

Тижорат банкларида жамғармалар жойлаштирилганда тула хавфсиз ва юқори ликвид шаклда бўлади, чунки жамғарма эгаси фоиз кўринишида ўз жамғармаси учун маълум бир суммада ҳақ олади. Жамғармаларнинг

тўпланиши билан тижорат банклари улар ҳисобидан маблағларни ишбилармонларга ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш учун ва истеъмол моллари ва уй-жой сотиб олувчи истеъмолчиларга кредитга бериши мумкин. Бизнинг жамиятимизда етарли даражада юксак даромадлиликка эришиш учун, жамгариш алоҳида аҳамият касб этади.

Ривожланган хорижий давлатларда банк даромадларининг сезиларли қисми ташқи савдо операцияларини молиялаштиришдан олинади. Масалан, жисмоний шахслар Франциядан вино, Германиядан автомобиль, Италиядан пойафзал ёки Англиядан Экономист журнаliga обуна бўлиш бўйича буюртма берадилар, айрим ҳолатларда хорижий сотувчининг Америка долларида тўловни олишни истамаслиги каби ҳолатларга дуч келиб қолиши мумкин. Бинобарин, чет эл валютаси (масалан, евро, фунт стерлинг, иен)да тўловларни утказиш учун чет эл валютасига эга бўлиши зарур. Бунинг учун сотиб олувчи тижорат банкига мурожаат қилади ва чет эл валютасида зарур маблағни олади.

Эҳтимол, сотиб олувчи томонларнинг қатъий бўлмаган мажбуриятлари асосида шундай шартнома вариантини тузмаса ва у кўпроқ савдо келишувига ишбилармонлик жиҳатидан ёндошишни афзал кўради. Муаммоларни ечимида товар аккредитивларини сотиб олувчиларга кўрсатиш мақсадга мувофиқ бўлади, чунки у банкнинг хусусий шахс ёки фирмага маълум суммани, яъни аккредитив хатида кўрсатилган шартларни бажариш учун тўлов кафолатини (тратта) қабул қилиш ва тўлаш бўйича ёзма равишдаги мажбуриятномасини тақдим этади. Қачон товар бўйича аккредитив кўрсатилса, сотувчи ва сотиб олувчи ҳуқуқлари ҳимояланган: бир томондан товарнинг тури ва уни жўнатиш шартлари кўрсатилган, бошқа томондан банк мажбурияти товарни тўлаш учун сотувчига компенсация қилиш, сотиб олувчининг молиявий аҳволи тўғрисида маълумот билан иштирок этиш. Ҳисоб-китоблар аккредитивлар орқали кўпчилик ташқи савдо операцияларида амалга оширилади.

Чунончи, ҳар бир давлатнинг фуқароси хорижий давлатларга саёҳат қилишни исташади, бунинг учун тижорат банкларининг алоҳида хизматларига эҳтиёж сезади. Бундан ташқари, улар ўзлари бир қанча суммадаги миллий валюталарини хорижий валюталарга алмаштиришни хоҳлаганда, туристлар, пулли аккредитивлар ёки туристик чекларни сотиб олиши мумкин. Ташқи савдога ва хорижий туризмга тижорат банклари молиявий хизмат кўрсатадилар ва улар давлатлар ўртасида товар айирбошлашни енгиллаштиради ва товарларни арзон олишга кўмаклашади. Халқаро савдонинг ўсишига қараб тижорат банкларини амалга ошираётган халқаро ҳисоб-китоблари ҳажми ҳам ўсади.

Бундан шу нарсани айтиш лозимки, юқорида қайд этилган халқаро савдо муносабатлари ва халқаро туризм бўйича ҳисоб-китоб хизмати кўрсатиш, бу нафақат, мамлакат учун катта миқдорда хорижий ва миллий валюталарни тушишини таъминлайди, балки тижорат банклари учун ҳам даромадлилигини таъминлади.

Тижорат банкларининг даромадларининг ўсиши йирик материал қийматликларни тўплашга олиб келади, қайсики, ўз навбатида тижорат банкларининг ишончли операцияларини ўсишига етакчи хизмат қилади.

Жисмоний шахслар ҳаёти давомида ўз мол-мулкларидан камторона фойдаланишни хоҳлашади. Шунинг учун ўз тасарруфидаги мол-мулкларини бошқариш учун тижорат банкига топширади, ўз навбатида тижорат банклари траст бўлимлари ушбу мол-мулкларни меросхўрлари ва авлодлари қизиқишига қараб ўз қўлида тутиб туради ва бошқаради. Бир қанча мулкка эгалик қилувчи траст бўлимлари, шунингдек капитални даромадли активларга инвестиция қилиш учун ҳам фондларни бошқариш ва ишончлилик шартларига мувофиқ даромадларни тақсимлашга жавоб берадилар.

Траст бўлимлари корпорацияларга бир неча хизмат турларини тақдим этади. Улардан бири пенсия фондлари маблағларини бошқариш ва фойдада ўз дастури билан иштирок этиш, кейинги йилларда бунинг

аҳамияти тез ошди. Бу муҳим вазифага яна шуни қўшимча қилиш лозимки, траст-бўлимлари облигация заёмлари бўйича агент вазифасини кўрсатади, эгаси ёзилган акцияларга эгалик қилиш ҳуқуқини бериш бўйича агент, корпорациялар учун акцияларини рўйхатга олиш каби хизматларини кўрсатади.

Траст бўлимлари амортизация фондларини бошқариш мумкин ва акция, облигацияларни чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бошқа кўплаб операцияларни амалга оширади.

Тижорат банглари даромаднинг яна бир муҳим хусусияти — бу фоизсиз даромад олишдир. Булардан бири қимматликларни сақлаш операцияларини мижозларга тақдим этиш ҳисобланади.

Тижорат банкларининг сейфларида қимматликларни сақлаш бўйича хизматларни тақдим этиши, бу қадимий хизмат турларидан бири бўлиб ҳисобланади. Тижорат банклари очилиши жуда қийин бўлган, ҳатто энг моҳир қулфбузар ўғрилар ҳам очолмайдиган сейфлардан фойдаланиб узоқ; вақтлар катта эътибор билан қимматли бойликларни ишончли сақланишини ташкил қилмоқда.

Қимматликларни банкларда сақлаш икки усулда амалга оширилади:

1. Қимматликларни сақлаш учун сейфларга тақдим этиш;
2. Пулат сандиқларда сақлаш.

Сақлаш учун сейфларни мижозларга ижарага ҳам бериш мумкин. Шартнома бўйича мижоз ўзининг қимматликларини ҳолатини хоҳлаган вақтда кўздан кечириши мумкин. Тижорат банклари фақат сейф ёки ячейкани тақдим этади ва сақлаш билан боғлиқ хизматларни таъминлайди. Ниҳоят бу жуда муҳим банк сейфга кириш йўлини назорат қилади. Бу ижарадаги сейф, нафақат банк учун кафолатни ифодалайди, балки унинг сейфга аъзолик қилишга рухсат этади.

Уни амалга ошириш мижознинг шахсан тасдиқлаши билан таъминланади, икки табақали қулф ва хизмат кўрсатувчи ходим томонидан энг эътиборлилик билан назорат қилинади.

Сейфда қимматли қоғозлар қуйилиши мумкин, мухрланган ҳужжатлар, суғурта полислари ва бошқа турли хил тақдим этилган шахсий буюмлар, қайсики унинг эгаси учун фақат қимматбаҳо бўлса. Тижорат банклари сейфларида сақланаётган буюмлар қийматини аниқлаш мумкин эмас.

Ҳукуматнинг қимматбаҳо медаллари, олтин узук ва тақинчоқлар. Тангалар, зулфлар ва худди шунга ўхшаш қимматли буюмлар сақланаётган сейф онда-сонда очилади ва қайсики миждонинг ўлимидан сўнг нотариус иштирокида кўрсатилади.

Пўлат сандиқларда сақлаш сейфларини тақдим этишдан фарк қилади, чунки бу ҳолда банкларни ўзлари қимматликларни сақлаш учун қабул қилади ва агент ролини ўйнайди. Тижорат банклари ниҳоятда хилма-хил қимматликларни сақлаш хизматлари ҳеч бўлмаганда сақлашга қабул қилинган қимматли қоғозлар: акция, облигацияларни алоҳида тайинланган пўлат сандиқларда сақлашни ташкил қилади.

Қимматли қоғозлар. Банк ссудаси таъминоти учун берилган кафолат хатларини қабул қилишда қимматли қоғозларни бошқариш, траст бўлимлари ишончилиги бўйича амалга оширилади ҳамда пўлат сандиқларда сақланади. Пўлат сақлагичларига эга бўлмаган кичик банкларга, ўзининг қимматли қоғозларини сақлаш учун йирик банклардаги хизматлардан фойдаланади, пўлат сандиқларда қимматли қоғозларни сақлаш корпорациялар учун одатдаги молиявий ва номолиявий амалиётдир.

Ушбу турдаги банк хизматлари ҳам банк даромадлари таркибида кичик салмоққа эга бўлсада, нафақат, миждонларнинг қимматликларини беҳавотир сақлашга, уларни қимматликлардан маҳрум бўлиб қолиш хавфидан ҳимоя қилишга, балки ушбу тур хизматлардан ҳам даромад олиб, банк даромад базасини мустаҳкамлашга имкон яратади.

Биз ушбуларни баён қилиб, тижорат банклари даромадларининг иктисодий мазмуни, яъни банкларнинг қайси иктисодий жараёнларидан даромадлар шаклланиши, ушбу даромадларни юзага келиш механизми,

яъни банклар мижозларга қандай вазифаларни бажариб, ўз даромад базасини шакллантиришга, тижорат банкларининг асосий даромад манбаларини иқтисодий мазмуни, шакл-шамойилини ёритишга ҳаракат қилдик. Бундан шу нарсани хулоса қилиб айтиш лозимки, тижорат банклари иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисми сифатида халқ хўжалиги тармоқларига, яъни хўжалик юритувчи жисмоний ва ҳуқуқий шахсларга турли-туман банк хизматларини кўрсатиб, нафақат иқтисодиётни изчил ривожлантириб боришга, балки ўз хизмат вазифаларидан келиб чиқиб, молиявий имкониятларини ўшалардан келаётган даромадлар эвазига мустаҳкамлаб боришга ҳаракат қилади.


Ушбу бобнинг хулосасида шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, актив операцияларнинг даромадлилиги билан бир қаторда уларни рискка учраш даражаси масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Агар ресурслар касса қолдиғи, Марказий банкдаги «Ностро» вакиллик ҳисоб варағи қолдиғи, ҳукуматнинг қимматли қоғозларига жойлаштирилса банк актив операцияларининг риск даражасини кескин камайтиради, лекин уларнинг даромадлилигига зарар етиши мумкин. Бошқа томондан, активларни тижорат қимматли қоғозларга, кредитларга ва валюта-алмашув операцияларига йўналтириш юқори риск даражасига эга ва юқори даромад келтиради, лекин бундай операциялар қўламининг ҳаддан зиёд кенгайиши банк ликвидлилигига жиддий зиён етказиб қўйиши мумкин. Шу боисдан ҳам банк активлари самарадорлигини оширишда рискларни минималлаштириш масаласини назардан қочирмаслик бирламчи аҳамиятга эга бўлган воқелиқдир.

1.2. Тижорат банклари харажатлари ва уларнинг таркиби

Банкнинг даромадлилиги, биринчи навбатда, харажатларни камайтиришга боғлиқ. Банк иши технологиясидаги муваффақиятлар жорий харажатларни камайтиришга имкон беради.

Одатда, банклар ўз зиммасига операция харажатлари, устама фоизларга кетган маблағлар, шунингдек, кредит риси билан боғлиқ бўлган йўқотишларни қоплаш учун ажратмаларни оладилар.

Тижорат банки харажатларини қуйидагича таркибий қисмларга бўлиб, келтириш мумкин:




1.2.1-расм. Банк харажатларининг таснифланиши шакли бўйича⁷

Одатда, банк даромадларининг 2/3 қисми фоизли харажатларга, берилган ссудалар бўйича йўқотишларни қоплашга, солиқларни тўлашга, кутилаётган фойдага ва сармоянинг ўсишига сарфланади.

Харажатларга ликвидлилик сингари ҳар қандай устама фоиз ўзгаришлари, пасивлар таркиби ва хусусий капитал ҳажми таъсир қилади. Ўз навбатида банк харажатлари таркибидаги ўзгаришлар активлар даромадлигига ҳам ўзгаришлар киритишни талаб қилади.

Харажатларни тўғри ҳисоблаш банкларга муқобил консерватив ресурслар нархларини тақсимлаш ва банк активларини аниқ баҳолаш ҳамда харажатларни қоплаб, акциядорлар учун даромадларни тўғри тақсимлаш имконини беради. Харажатларни баҳолашга кредитлар устама фоизларини белгилашнинг асосий омили сифатида қараш керак.

⁷ Абдуллаева Ш.З. «Банк иши»-Ўқув қўлланма-Т.: «Молия»-2003 й.-Б.-25.



1.2.2-рasm. Янги ҳисобварақлар режаси бўйича банк харажатлари таснифи⁸

Фоизли харажатлар

Фоизли харажатлар-барча мажбуриятлар бўйича тўппланган фоиз суммаси демакдир.

Бизга маълумки тижорат банклари кредит ресурслари ташкил этишда талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар қабул қилади. Ушбу депозитларга банклар маълум белгиланган фоизларда пул тўлайдилар. Тижорат банклари банкнинг қарз мажбуриятлари бўйича тўланадиган фоизлар тўлайдилар, шу жумладан қимматли қоғозларининг сотув нархи билан номинал қиймати орасидаги салбий тафовут бўлганида, баъзи бир келтирилган, лекин тўланмаган фоизларни тўлашда банкларда фоизли харажатлар юзага келади.

Банклар фоизли харажатларининг яна бири кредит ва унга боғлиқ операциялардир. Банклар энг аввало Марказий Банкдан, бошқа тижорат банкларидан, бюджетдан ташқари фондлардан, банк бўлмаган молиявий муассасалардан кредитлар олиши мумкин. Олган кредитлар учун тўланадиган қарз фоизли харажатларга киради.

Банк аввалги йиллар (ҳисобот йилига нисбатан) ҳисобига тўлаган фоизлар ва воситачилик йиғимлари, ҳамда ўтган йилларда банк мижозлардан ортиқча ундирган фоизлар, ҳамда воситачилик йиғимларини қайтариши билан фоизли харажатлар қилади.

⁸ Абдуллаева Ш.З. «Банк иши»-Ўқув қўлланма-Т.: «Молия»-2003 й.-Б.-26.

Фоизсиз харажатлар

Фоизсиз харажатларга маошлар ва қўшимча тўловлар, ускуна ёки биноларни ижарага олиш, харид қилиш, шунингдек бошқа операция харажатлари киради.

Банклар Ўзбекистон Республикаси Пенсия фондига, Ўзбекистон Республикаси Аҳолини иш билан таъминлаш давлат фондига, Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий суғурта фондига қонунларга мувофиқ ўтказиладиган мажбурий ажратмалар, жумладан банк ходимларига мукофот ҳамда қўп йил ишлаганлик учун ёзиладиган тўловларни амалга оширадilar. Банк нодавлат пенсия фондларига, ихтиёрий тиббий суғурта ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турлари учун ўтказган ажратмалари, қонунларга мувофиқ банк мулкани ва банк ходимларини давлат суғуртасидан ўтказиш бўйича тўловлар ҳам банкнинг фоизсиз харажатларига киради.

Банк асосий фондларни, жумладан уларнинг банк фаолиятини амалга оширишда фойдаланадиган алоҳида қисмларини, хусусан, тушумни инкассация қилиш учун автомобил транспортини ижарага олиш бўйича харажатлар қилади.

Банк ходимлари ва банк ходимлари бўлмаган, яъни банк штатида бўлмаган ходимларга, улар билан фуқаролик-ҳуқуқий тусда тузилган шартномалар бўйича бажарилган ишлар учун иш ҳақи тўлаш харажатлари, амалдаги қонунларга мувофиқ, навбатдаги ва қўшимча таътиллари пулини, шунингдек, тиббий қўриқлардан ўтиш, давлат мажбуриятларини бажаришлар учун сарфланган вақт эвазига ҳақ тўлаш каби харажатлар қилади.

Бундан ташқари, банкларнинг фоизга даҳли йўқ харажатларига банк соҳасида малакали кадрлар тайёрлашда қиладиган харажатлари киради. Тижорат банклари олий ўқув юртлари билан келишилган шартномадаги маблағларни тўлаб банк соҳасига малакали кадрлар тайёрлаш, банк ходимлари малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш хизматлари учун ҳақ тўлайди. Бунда банклар номоддий актив шакллантиради ва бу келажакда ўз самарасини беради.

Бизга маълумки, банкларни аудиторлик текширувидан ўтказиш банк учун, нафақат банк учун, балки барча тармоқлар, ташкилотлар фойда ёки зарар билан фаолият кўрсатишларини кўрсатиб берадилар. Банклар аудиторлик фирмалари билан шартномада келишилган нархларда тўловни амалга оширадилар.

Банкни бошқариш тизимида маркетинг ва шунга ўхшаш функционал хизматлар ёки шундай функционал вазифаларни бажариш зиммасига юклатилган мансабдор шахслар бўлмаган ҳолларда маркетинг ҳамда шунга ўхшаш бошқа хизматлар ҳақини тўлайдилар.

Ҳозирги замонда ахборотлар ҳаётимизда энг муҳим ўрин эгаллайди. Бу ахборотларнинг барчаси банкларга яқин бўлган амалиётдир. Бу хизматларни барчасини банклар катта харажатларга амалга оширадилар. Кунлик операцияда банклар мижозларга бир қанча ҳужжатлар тақдим этадилар, бу ҳужжатлар, канцелярия қоғозларига ҳам фоизсиз харажатлар ҳисобидан амалга оширилади.

Бундан ташқари, банклар махсус адабиётлар, меъёрий ва йўриқнома тусидаги ҳужжатлар сотиб олиш, шунингдек банк фаолиятини амалга оширишда зарур бўладиган махсус нашрларга (рўзномалар, ойномалар ва бошқалар) обуна бўйича қилинадиган харажатлари мавжуд.

Тижорат банки ноишлаб чиқариш соҳаси объектларини (уй-жой-коммунал хўжаликлар, ўқув марказлари, болалар мактабгача тарбия муассасалари, тиббий, соғломлаштириш ва бошқа муассасалар) сақлаш, жумладан шундай объектларни барча турларда таъмирлашга қилинадиган, лекин улардан фойдаланиш орқали олинган даромадлар (квартира ҳақи, ота-оналар ўз даромадлари, болалар барчасига қатнашгани учун тўланадиган бадаллар, йўлланмалар қиймати тўловлари ва бошқалар) билан қоплайдиган харажатлар, шунингдек юқорида айтилган объектлардан ижара шартларида фойдалаганлик ҳолларда шу объектлар бўйича тўланадиган ижара ҳақи каби харажатлари мавжуд.

Банклар ўз ходимлари соғлиғини сақлаш ва улар дам олишини ташкил этиш тадбирлари (даволаниш ва дам олиш учун йўлланмалар, экскурсия ва саёхатлар йўлланмалари, спорт билан шуғулланиш, маданий ва спорт томоша тадбирларига бориш учун ҳақ, дам олиш хоналарини ташкил этиш ва сақлаш, газлаштирилган сув қуйиш ускуналарини ўрнатиш билан боғлиқ ва шунга ўхшаш бошқа харажатлар) учун харажатларни амалга оширади.

Тижорат банкларининг харажатларини таркибий жиҳатдан чуқурроқ кўриб чиқишимиз мумкин.

1.2.1-жадвал

Тижорат банклари харажатларининг тақсимланиши ёки харажатлари таркиби⁹

I.Фоизли харажатлар жами	1.Депозитларучун фоизлар
	2.Банклараро кредитлар учун фоизлар
	3.Қимматли қоғозларга тўланган фоизлар
	4.Бошқа фоизли харажатлар
II.Фоизсиз харажатлар	1.Комиссион харажатлар
	2.Хорижий валюта операцияларидан кўрилган зарар
	3.Қимматли қоғозлардан кўрилган зарар
	4.Иш ҳақи харажатлари
	5.Амортизация харажатлари
	6.Солиқлар ва бошқа мажбурий харажатлар
	7.Бошқа фоизсиз харажатлар

Жадвал маълумотлари шуни кўрсатадики, банкнинг фоизли харажатлари ичида асосий ўринни банклараро кредитлар учун фоизлари эгаллайди. Фоизсиз харажатлар ичида асосий ўринни иш ҳақи харажатлари, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар эгаллайди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, банк харажатларини янада кенгрок таснифлайдиган бўлсак, уларни қуйидаги асосий қисмларга бўлиш мумкин:

1. Фоизли харажатлар;
2. Фоизсиз харажатлар;

⁹ Тижорат банкларининг ҳисобот материаллари асосида тузилди.

3. Иш ҳақи ва ходимларга бошқа тўловлар;
4. Ижара ва хизматлар учун тўловлар;
5. Сафарнома ва транспорт харажатлари;
6. Маъмурий харажатлар;
7. Маданий оқартув тадбирлар ва хайрия харажатлари;
8. Амортизация харажатлари;
9. Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатлар.

1. Фоизли харажатлар ўз навбатида қуйидаги қисмларга бўлинади:

- Талаб қилиб олгунча депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
- Жамғарма депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
- Муддатли депозитлар бўйича фоизли харажатлар;
- Марказий Банк олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар;
- Бошқа банклар олдидаги тўловлар бўйича фоизли харажатлар;
- Банкнинг ёпилмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлар;
- Қисқа муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
- Узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;
- Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар;
- Бошқа фоизли харажатлар.

2. Фоизсиз харажатлар эса ўз ичига қуйидагиларни олади:

- Барча комисион харажатлар;
- Чет эл валютасидаги зарар;
- Тижорат операциялари бўйича харажатлар;
- Инвестициялар бўйича зарарлар;
- Бошқа фоизсиз харажатлар.

3. Иш ҳақи ва ходимларга бошқа тўловлар деганда қуйидагилар кўзда тутилади:

- Иш ҳақи;
- Ходимлар учун имтиёзлар;
- Медицина билан боғлиқ харажатлар;

- Ижтимоий-суғурта жамғармасига тўловлар;
- Социал ҳимоя харажатлари;
- Меҳнат биржаси, яъни бандлилик фонди ва бошқа фондларга взнослар;

- Ходимларга бошқа харажатлар.

4. Аренда ва хизматлар учун (хўжалик) харажатларига қуйидагилар киради:

- Аренда тўлови;
- Сув учун тўлов;
- Электро-энергия учун тўлов;
- Таъмирлаш ва хўжалик харажатлари;
- Қўриқлаш бўлимига тўлов.

5. Сафарнома ва транспорт харажатларига қуйидагиларни киритиш лозим:

- Сафар харажатлари;
- Уй-жой харажатлари;
- Ёқилғи харажатлари;
- Транспорт учун қилинадиган бошқа харажатлар.

6. Маъмурий харажатларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Рекламалар;
- Канцелярия ва офис учун олинадиган буюмларга харажатлар;
- Почта, телефон, факс харажатлари;
- Типография учун, китоб ва журналлар, газеталар сотиб олиш учун қилинадиган харажатлар.

7. Маданий тадбирлар ва хайрия харажатларига қуйидагилар киради:

- Маданий тадбирлар учун харажатлар;
- Аъзолик внослари;
- Хайрия харажатлари.

8. Амортизация харажатларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Банк биносининг эскириши;
- Банк биноси нархининг ўсиши;
- Транспорт эскириши;
- Мебель ва бошқа қўлланмаларнинг эскириши;
- Номоддий активларнинг эскириши;
- Ижарага берилган асосий воситаларнинг эскириши;
- Ижарага бўлган ҳуқуқ ва арендага олинган объектни таъмирлашнинг эскириши.

9. Суғурта, солиқлар ва бошқа харажатларга қуйидаги харажатларни киритишимиз мумкин:

- Юридик ва аудиторлик хизматлар учун тўловлар;
- Консалтинг хизматлар учун тўловлар;
- Суғурта харажатлари;
- Солиқлар;
- Жарима ва устамалар;
- Бошқа операцион харажатлар;
- Кўзда тутилган зарарлар қиймати;
- Даромад солиғи.

Юқорида санаб ўтилган харажатларнинг ҳар бири ҳам яна бир неча қисмларга бўлинади. Масалан, талаб қилиб олгунча депозитларга фоизли харажатларнинг ўзи қуйидагиларга бўлинади:

- * Ҳукумат депозитлари бўйича фоизли харажатлар;
- * Бюджет корхоналари бўйича фоизли харажатлар;
- * Жисмоний шахслар бўйича фоизли харажатлар;
- * Хусусий корхона ва корпорациялар бўйича фоизли харажатлар;
- * Давлат корхоналари бўйича фоизли харажатлар;
- * Қўшма корхоналар бўйича фоизли харажатлар;
- * Индивидуал тадбиркорлар бўйича фоизли харажатлар;
- * Банк бўлмаган молия муассасалари бўйича фоизли харажатлар;
- * Бошқа мижозлар бўйича фоизли харажатлар.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг шу 10 та тури бўйича жамғарма депозитлар бўйича фоизли тўловлар ва муддатли омонатлар бўйича фоизли харажатларни ҳам бўлиш мумкин.

➤ Марказий банк олдидаги тўловлар бўйича фоизли тўловлар ўз навбатида 3 гуруҳга бўлинади:

- * Марказий банк вакиллик ҳисобварағи бўйича «Востро» тўловлари;
- * Марказий банкдаги вакиллик ҳисобварағи бўйича «Ностро, овердрафт» тўловлари.

- * Марказий банк депозитлари бўйича фоизли тўловлар.

➤ Бошқа банклар ҳисобрақамлари бўйича фоизли тўловлар ўз ичига қуйидагиларни олади:

- * Бошқа банкларнинг вакиллик ҳисобрақамлари бўйича «Востро» тўловлари;

- * Бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақамлари бўйича «Ностро, овердрафт» тўловлар;

- * Бошқа банкларнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

➤ Банкнинг ёпилмаган акцептлари бўйича фоизли харажатлари маҳаллий ва чет эллик мижозлар бўйича ёпилмаган акцептларга бўлинади.

➤ Қисқа ва узоқ муддатли ссудалар бўйича фоизли тўловларни ҳар бирини қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин. Булар:

- * Марказий банкка тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли тўловлар;

- * Бошқа банкларга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Давлатга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Индивидуал тадбиркорларга тўланадиган ссудалар бўйича фоизли тўловлар;

- * Жисмоний шахсларга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Қўшма корхоналарга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Давлат корхоналарига тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Хусусий корхоналарга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар;

- * Бошқа кредиторларга тўланадиган (қисқа, узоқ) муддатли ссудалар бўйича фоизли харажатлар.

➤ Чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар 3 га бўлинади:

- * Чиқарилган облигациялар бўйича фоизли харажатлар;

- * Чиқарилган жамғарма сертификатлар бўйича фоизли харажатлар;

- * Чиқарилган депозит сертификатлар бўйича фоизли харажатлар.

Энди фоизсиз харажатларга ўтадиган бўлсак, фақат комиссиян харажатларнинг ўзигина қуйидагиларга бўлинади:

- * ЎзРМБ хизматлари учун комиссиян харажатлар;

- * Бошқа банклар хизматлари учун комиссиян харажатлар;

- * Қимматли қоғозларни олди-сотди комиссиян харажатлари;

- * Қимматбаҳо металлларни олди-сотди комиссиян харажатлари;

- * Векселлар сотиб олишдаги хизматлар учун харажатлар;

- * Инвестицияларни жойлаштиришдаги хизматлар учун харажатлар;

- * Аккредитив ва акцептлардаги хизматлар учун харажатлар;

- * Овердрафт бўйича харажатлар;

- * Ссудалар бўйича комиссиян харажатлар;

- * Ссуда мажбуриятлари бўйича комиссиян харажатлар;

- * Менежмент бўйича комиссиян харажатлар;

- * Маҳаллий тўловлар учун комиссиян харажатлар;

- * Чет эл тўловлари бўйича комиссиян харажатлар;

- * Инкассо операциялари ўтказганлик учун комиссиян харажатлар;

- * Кафолат ва кафилликлар бўйича комиссиян харажатлар;

- * Бошқа хизматлар учун комиссион харажатлар.
- Чет эл валютасида зарар 2 га бўлинади:
- * «Спот»шартномалари бўйича зарар;
- * Форвард /опцион/ фьючерс бўйича зарар.
- Тижорат операциялари бўйича зарар икки хил бўлади:
- * Қимматли қоғозлар билан операциялардан зарар;
- * Қимматбаҳо металллар билан операциялардан зарар.

Бу харажатларнинг барчаси банк балансининг 5-бўлимида, яъни «харажатлар» бўлимида акс этади ва барча харажат ҳисобрақамлари актив ҳисобрақам ҳисобланади.

2-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ХАРАЖАТЛАРИНИНГ ҲИСОБИ ҲАМДА ТАҲЛИЛИ

2.1. Тижорат банклари даромадлари ҳисоби ва унинг амалий таҳлили

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида банк—молия тизими фаолияти барқарорлигини ошириш ва сифат жиҳатдан яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Ҳукуматимиз томонидан банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш, инвестицион фаолиятда иштирокини кучайтириш, ликвидлигини таъминлаш, молиявий жиҳатдан барқарорлаштириш, соғлом банк тизимини ривожлантириш бўйича қатор муҳим қарорлар қабул қилинди.

2012 йил давомида “Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг янги тавсияларини жорий қилиш учун халқаро молия институтларидан техник ёрдам ва экспертларни жалб қилиш бўйича чора-тадбирлар” мажмуасига мувофиқ, республика банкларида бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни халқаро талабларга мувофиқлаштиришнинг 3-босқичини амалга ошириш борасида Жаҳон банки ва Халқаро валюта фонди билан ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, Жаҳон банки томонидан кўрсатилаётган техник ёрдам доирасида, банк назорати бўйича Базель қўмитасининг Базель-2 ва Базель-3 тавсияларини мамлакатимиз банк тизимида жорий қилиш лойиҳаси бўйича халқаро ҳамкорлик янада кучайтирилиб, 2012 йилнинг июль ойида тегишли лойиҳа амалга оширилиши бошланди.

Халқаро рейтинг баҳолаш услубиёти меъёр, мезон ва стандартларни республика тижорат банклари ва молия-банк тизими фаолиятини баҳолаш ва таҳлил қилишда қўллашни ривожлантириш мақсадида 2012 йилнинг 12-17 март кунлари “Мудис”, 17-19 апрель кунлари “Стандарт энд Пурс” ва 19 июнь куни “Фитч Рейтингс” агентликлари билан ҳамкорлик олиб борилди.

Шунингдек, 12 июнда “Мудис” агентлигининг “Ўзбекистон банк соҳасини баҳолаш бўйича фаолияти” мавзуида, 19 июнда “Фитч Рейтингс” агентлиги билан “Ўзбекистон банклари: ташқи нобарқарор шароитда ривожланиш” мавзуида ва 25 июлда “Стандарт энд Пурс” рейтинг агентлигининг кредит рейтинги ҳамда унинг Ўзбекистон банклари томонидан қўлланилиши” мавзуида амалий конференциялар ўтказилди.

Ушбу тадбирлар банк назоратининг янги талабларини жорий қилиш бўйича ишлаб чиқиладиган ҳаракат дастурларини такомиллаштириш, банклар раҳбарлари ва мутахассисларининг бу борадаги билимларини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Юқорида амалга оширилган ишлар натижасида банк тизимининг барқарорлиги таъминланмоқда ва унинг воситачилик роли кенгаймоқда ҳамда кўрсатиладиган банк хизматлари сифати янада ошиб бормоқда.

Банк тизимининг молиявий барқарорлиги ва ривожланиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 7 январдаги ПҚ-1464-сонли Қарори билан тасдиқланган индикаторлар тизимига асосан баҳоланиб келинмоқда ва 2012 йил якунига кўра ҳам банк соҳаси бўйича индикаторлар “юқори даража”даги баҳоларга эга бўлди .

Жумладан, республика банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил қилиб, қабул қилинган халқаро меъёрга нисбатан 3 баробар юқори ҳамда банк тизими ликвидлиги 65,5 фоизни ташкил қилиб, талаб этиладиган энг кам даражадан 2 баробар юқори бўлишининг таъминланганлиги халқаро молия ташкилотлари ва ҳамжамиятнинг юқори эътирофига сазовор бўлмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 20 апрелдаги 117-сонли қарори асосида 2012 йилнинг 1 июлидан бошлаб жорий этилган, ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, жумладан, молия-банк соҳаси фаолиятини баҳоловчи индикаторларнинг ҳар чоракдаги натижалари тижорат банкларининг ҳудудлардаги филиаллари депозит базаси ва кредит қўйилмаларининг юқори суръатларда ўсиб

бораётганлиги ва уларнинг таркибида узоқ муддатли кредитлар салмоғининг юқорилигини кўрсатди.

Натижада, “Фитч рейтингс”, “Мудис” ва “Стандарт энд Пурс” каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг ижобий рейтингини олган тижорат банклари сони кўпайиб бормоқда. Ҳозирги кунга келиб, ушбу етакчи халқаро рейтинг агентликларининг “барқарор” рейтингини олган тижорат банклари сони 28 тага етди.

Шу билан бирга, “Мудис” рейтинг агентлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг ривожланиш истикболларига берилган “барқарор” даражадаги рейтинг баҳоси 2012 йилнинг 29 август куни кетма-кет учинчи йил қайта тасдиқланди.

“Мудис” агентлигининг ҳисоботида қулай иқтисодий шароит, фаол инвестиция сиёсати ва банклар капиталлашувининг барқарор юқори даражаси ушбу прогнознинг асосий омиллари бўлди, деб қайд этилган. Жаҳон иқтисодиётида рўй бераётган глобал номутаносибликларга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти, шу жумладан банк-молия тизими муттасил барқарор ривожланмоқда.

“Бизнинг фикримизча, Ўзбекистондаги макроиқтисодий шарт-шароит банкларнинг умумий операцион муҳитига ижобий таъсир ўтказди, бунда депозитлар оқимининг ўсишидан ҳам, кредитга бўлган талабнинг ошишидан ҳам мамлакат банк тизими ютади”, - деб таъкидланади рейтинг агентлигининг ҳисоботида.

“Стандарт энд Пурс” халқаро рейтинг агентлиги эса, мамлакат банк тизимини ижобий баҳолаб, рейтингини бир поғона юқorigа кўтарди.

Бундан ташқари, Халқаро Валюта Фонди миссиясининг 2012 йил ноябрь-декабрь ойларидаги республикамиздаги ишининг яқунлари бўйича баёнотида “Ўзбекистон банк тизими юқори кўрсаткичларни намоиш этиб келмоқда. Халқаро стандартлардан келиб чиқиб қараганда, банклар капиталининг етарлилик коэффициенти юқори даражада сақланиб турибди” деб, банк тизимининг ривожланишига ижобий баҳо берилди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган изчил иқтисодий сиёсат натижасида тижорат банклари фаолияти доимий равишда ривожланиб борапти. Бу борада республика тижорат банкларининг молиявий ҳисобот маълумотлари асосида банкларнинг даромадлари тўғрисида қуйидагиларни келтириш мумкин:

2.1.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари структураси¹⁰

(фоиз ҳисобида)						
№	Даромадлар	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
1.	Берилган кредитлар, депозитлар ва бошқа маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизлар	51,74	56,42	56,87	56,17	57,46
2.	Комиссион даромадлар	38,61	34,70	33,18	33,91	31,97
3.	Хорижий валютадаги даромадлар	5,49	4,65	4,55	3,43	4,05
4.	Тижорат операцияларидан олинган даромадлар	0,01	0,02	0,0001	0,0007	0,0008
5.	Инвестициядан олинган даромадлар	0,44	0,48	0,91	1,46	1,27
6.	Бошқа даромадлар	3,72	3,78	4,49	5,03	5,25
	ЖАМИ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, банкларнинг даромадлари таркибида берилган кредитлар, депозитлар ва бошқа маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизлар юқори салмоққа эга бўлиб, бу кўрсаткич 2008 йилда 51,74 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса, 57,46 фоизни ташкил этмоқда. Банкларнинг даромадлари таркибида тижорат операцияларидан олинган даромадлар ва инвестициядан олинган даромадлар энг салмоққа эга бўлиб, 2011 йилда инвестициядан олинган даромадлар бирмунча кўпайиб, бу кўрсаткич жами даромадлар таркибида 1,46 фоизга ошган. 2012 йилда эса, инвестициядан олинган даромадлар 0,19 фоизли пунктга пасайган.

Шу билан бир қаторда, тижорат банклари даромадлари таркибида комиссия даромадлар ҳам бирмунча юқори салмоққа эга бўлиб турибди. 2008 йилда тижорат банклари комиссия даромадларининг жами даромадлардаги ҳиссаси 38,61 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда эса, бу кўрсаткич 6,64 фоизли пунктга сезиларли равишда пасайган.

¹⁰«Ahbor-Reyting» рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2013йил, февраль.

Тижорат банклари даромадлари таркибида хорижий валютадаги даромадлар камайиш тенденциясига эга. Бу эса, ўз навбатида бугунги кунда тижорат банкларида валюта операциялари амалиётини ва уларнинг турларини кўпайтириш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Республикамизда бухгалтерия ҳисобига оид илмий–назарий адабиётларда молиявий натижа деганда, кўпинча хўжалик юритувчи субъектнинг фойда ёки зарар шаклида ифодаланган фаолиятининг пировард иқтисодий якуни тушунилади.

Иқтисодчи – олим Я.В. Соколов фикрича, молиявий натижа мураккаб категориялардан бири бўлиб, уни маълум бир ҳисобот даврида олинган фойда ёки зарар деб таърифлайди. Молиявий натижа ҳисобот даврида капитал қийматининг ўзгаришини кўрсатади. Агар у ортиб борса, фойда тўғрисида, камайса–зарар тўғрисида гап кетади.

Республикамиз иқтисодчи олимларининг фикрича, молиявий натижа у, даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ҳисобланади. Жумладан, Ё.А. Маҳмудалиева ўзининг изланишида «фойда – даромад суммасининг қилинган харажатлардан ошган қисми» эканлигини қайд этади. Ушбу таърифда молиявий натижа фойда эканлиги ва у даромад ва харажат ўртасидаги фарқ сифатида аниқланишини кўриш мумкин.

Ушбу олимларнинг фикр–мулоҳазаларидан келиб чиққан ҳолда молиявий натижани даромадлар ва харажатлар ўртасидаги фарқ ва у фойда ёки зарар кўринишида бўлишини англаш мумкин.

Бухгалтерия ҳисобининг ушбу ёндашувлари молиявий натижани активлар ўсиши ёки маблағлар кирими ва чиқими оқимлари ўртасидаги фарқига олиб келади. Бу, молиявий натижани тўлиқ ифодалаб бера олмайди, чунки ҳар қайдай маблағлар кирими ҳам даромад (фойда) ҳисобланмайди ёки маблағлар чиқими ҳам харажатни ифодаламайди. Масалан, банк таъсисчилари қўшимча бадал киритиш орқали устав капиталини кўпайтирди, бу, албатда, банк учун фойда эмас, шунингдек, банк томонидан қилинган инвестициялар маблағлар чиқимини ифодаласа у харажат эмас.

Бироқ, яна бир ёндашув ҳам мавжуд бўлиб, у И.Фишернинг ишларида муқаддима этилган. Айнан у бухгалтер томонидан ҳисобланган анъанавий фойда иқтисодий мазмунга эга эмаслигини кўрсатиб, товар сотилиши аслида унинг қиймати, у келтирадиган ёки келтириши мумкин бўлган даромадга боғлиқ, деган хулосага келиб, молиявий натижани (фойда) ҳисобот даврида активлар даромадлилиги ўзгариши ҳисобига қийматнинг ўсиши, деб эътироф этган.

Шунингдек, Н.Ф.Каримов фойдани иқтисодий категория сифатида таърифлаб, қўшимча маҳсулотнинг бир қисмини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш билан боғлиқ ишлаб чиқариш муносабатларининг таркибий қисмини ташкил этишини ва у янгидан яратилган қийматнинг бир қисми сифатида намоён бўлишини очиб берган. Яъни, у фойданинг бухгалтерлик катталигига эмас, балки иқтисодий катталигига эътибор қаратган.

Фойданинг иқтисодий катталиги бирон–бир фаолиятда иштирок этаётган активнинг жорий даврдаги даромадлилиги ва келажакда даромад олиб келиш имкониятини кўрсатади. Фойданинг бухгалтерлик катталиги эса, фаолиятнинг ўтган ва жорий даврдаги натижасини кўрсатади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, фойданинг ягона тушунчаси йўқлигини кўриш мумкин, чунки, у манфаатдор шахсларнинг мақсадларига боғлиқ бўлади. Бу шахс, авваламбор, активлар таркибига нимани киритишива бухгалтерлик фойдаси қандай ҳисоб–китоб қилинишини ҳал қилиши керак.

Бунда шуни назарда тутиш керакки, фойданинг бухгалтерлик талқини иқтисодий катталигини белгилайди. Бундан ташқари, активнинг иқтисодий баҳоси келажакка асосланган, лекин, бухгалтерияда фойда уни ҳисоб–китоб қилиш ўтган фаолият натижасига асосланган. Бизнингча, бухгалтерлик фойдаси ва иқтисодий фойдани бир–бирига тенглаштириш учун банкнинг ишлаб топа олмаган маблағларини ва гудвилни бухгалтерлик фойдасига кўшиш керак.

2.1.2-жадвал

Тижорат банклари соф фойдаси тўғрисида солиштирма МАЪЛУМОТ¹¹

(млн.сўм)

№	Банк номи	01.01.2012 йил ҳолатига	01.01.2013 йил ҳолатига	Йил бошига нисбатан		Жами фойдада- ги улуши
				(+;-)	%	
1	Халқ банки	37 365	49 316	11 951	132,0%	11,94%
2	Асака банк	47 446	47 869	423	100,9%	11,59%
3	Ипотека банк	30 406	39 888	9 482	131,2%	9,65%
4	Миллий банк	32 924	36 338	3 414	110,4%	8,80%
5	Ўзсаноатқурилиш банк	22 604	31 839	9 235	140,9%	7,71%
6	Азия Альянс банк	9 735	25 532	15 797	262,3%	6,18%
7	Хамкор банк	19 544	24 557	5 013	125,6%	5,94%
8	Трастбанк	16 628	19 218	2 590	115,6%	4,65%
9	Агробанк	2 954	18 680	15 726	632,4%	4,52%
10	Ипак Йўли банк	13 063	18 296	5 233	140,1%	4,43%
11	Қишлоқ қурилиш банк	12 601	15 102	2 501	119,8%	3,66%
12	Алоқабанк	10 207	14 700	4 493	144,0%	3,56%
13	ЎзКДБ банк	9 400	11 525	2 125	122,6%	2,79%
14	RBS NB UZBEKSITAN	-	8 428	-	-	2,04%
15	Турон банк	6 524	8 019	1 495	122,9%	1,94%
16	Савдогар банк	5 993	7 509	1 516	125,3%	1,82%
17	Инвест Финанс Банк	6 719	7 209	490	107,3%	1,74%
18	Давр банк	-	6 456	-	-	1,56%
19	Hi-tech bank	2 757	6 172	3 415	223,9%	1,49%
20	Капитал банк	2 754	4 485	1 731	162,9%	1,09%
21	УТ банк	2 094	3 688	1 594	176,1%	0,89%
22	Туркистон банк	2 156	3 035	879	140,8%	0,73%
23	Ориент-финанс банк	3 271	2 211	- 1 060	67,6%	0,54%
24	Микрокредит банк	3 741	1 561	- 2 180	41,7%	0,38%
25	Универсалбанк	807	431	- 376	53,4%	0,10%
26	Самарқанд банк	367	367	-	100,0%	0,09%
27	Садерат банк	-	289	х	х	0,07%
28	Равнақ банк	144	190	46	131,9%	0,05%
29	Кредит стандарт банк	6 970	179	- 6 791	2,6%	0,04%
30	Амирбанк	-	61	-	-	0,01%
	Жами	309 174	413 150	103 976	133,6%	

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, республикамиз тижорат банклари қаторида Асака банк, Халқ банки ва Ипотека банкларининг 2012 йил якунлари бўйича соф фойдаси миқдори бошқа банкларга қараганда юқори бўлган. Яъни, 2012 йил якунлари бўйича

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари ҳисобот маълумотлари-2013й.

Асака банкнинг соф фойдаси миқдори қарийб 47,8 млрд.сўмдан ошган бўлса, унинг жами банкларнинг соф фойдасидаги улуши 11,59 фоизни ташкил этган. Халқ банкнинг соф фойдаси миқдори 49 млрд.сўмдан ортиқ бўлиб, унинг жами банкларнинг соф фойдасидаги улуши 11,94 фоизни ташкил этган. Ипотека банкнинг эса соф фойдаси миқдори 39 млрд.сўмдан ортиқ бўлиб, унинг жами банкларнинг соф фойдасидаги улуши 9,65 фоизни ташкил этган.

Самарқанд банк, Равнақ банк, Садерат банк, Кредит стандарт банк ва Амир банкларнинг 2012 йилдаги соф фойдаси миқдори бошқа банкларга қараганда кам бўлиб, уларнинг жами тижорат банкларининг соф фойдасидаги улуши 0,26 фоизни ташкил этган.

Кўриб чиқилган молиявий натижалар тўғрисидаги қарашлар бухгалтерлик ва иқтисодий фойдалар бир–бирига мос эмаслиги ҳамда уларни ҳисоблаш бўйича муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

Молиявий натижалар тўғрисидаги аксарият олимларнинг фикр–мулохазаларида молиявий натижани фойда сифатида қарашларига дуч келдик, аслида эса бу ундай эмас. Агар молиявий натижани фойда сифатида эътироф этадиган бўлсак, унда молиявий натижа терминини умуман олиб ташлашга тўғри келади. Молиявий натижа ижобий бўлган ҳолатдагина фойда тўғрисида гап юритиш мумкин, лекин, ҳар доим ҳам у ижобий бўлавермайди, салбий ҳам бўлиши мумкин. Салбий бўлган ҳолатда, яъни, даромадлар харажатлардан кам бўлганда зарар бўлади. Банк фаолияти натижаси зарар билан чиқса, ўз олдига кўйган мақсадларни амалга ошира олмайди.

Банк фаолиятини таҳлил қилиш, бошқариш ва режалаштиришда банк фаолиятининг молиявий натижаси ижобий бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинади. Шундай бўлсада банк фаолияти натижаси салбий бўлган ҳолатлар юзага келишининг олдини олиш, унинг оқибатларини тўғрилаш учун қандай чора–тадбирлар амалга оширилиши кераклиги аниқланиши лозим.

Молиявий натижанининг салбий бўлган ҳолати, яъни, фаолият натижаси зарар билан чиқишини кўриб чиқсак. Зарар терминини кўпчилик иқтисодчи

олимлар илмий изланишларида учратиш мумкин, улар буни фақат йўқотиш сифатида ишлатиб келади. Шунингдек, зарар салбий якуний молиявий натижа сифатида кўрилиб, маълум бир ҳисобот даврида олинган даромадларнинг қилинган харажатларни қоплай олмаслиги тўғрисидаги фикрларни учратиш мумкин. Юқорида келтирилган жадвалда 2012 йил якунида республикаимизнинг Кредит стандарт банк ва Микрокредит банкларнинг зарар билан чиққанлиги, банк тизими учун салбий ҳолат эканлигини исботлаб турибди.

Тижорат банкларининг зарарсиз фаолияти унинг молиявий асосини мустаҳкамлайди ва аксинча, узоқ муддат мобайнида зарар билан фаолият кўрсатиши банкни муқаррар таназзулга олиб бориши мумкин. Бу, ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиётида юзага келган молиявий инқироз сабаблари ва оқибатлари натижасида айрим банкларнинг таназзулга юз тутганида кўриниб турибди.

Молиявий натижа фақат фойда ҳам, зарар ҳам эмас, сабаби улар фаолиятнинг якуний кўрсаткичи сифатида эътироф этилади. Хўжалик юритувчи субъект ҳар бир операцияни амалга оширганда маълум бир натижага эришади, бу – даромад ёки харажатдир.

Шу нуқтаи-назардан С.Ш. Юлдашевнинг фикрини келтириб ўтиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. У банк молиявий натижасини тижорат банки фаолияти жараёнида олинган даромад, харажат ва фойдадир, деган фикрга келган. Лекин ушбу фикрда фаолият якуни салбий бўлган ҳолат, яъни зарар кўрсатиб ўтилмаган.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, тижорат банки молиявий натижасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: молиявий натижа – бу, фаолиятга комплекс баҳо берувчи ва содир бўлган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлардир. Банк фойдаси эса, унинг фаолияти натижаси ва ривожланишининг асоси, капиталдан ташқари банк фаолиятида ишлатилиши мумкин бўлган маблағидир.

Тижорат банклари даромадлилиги ва эффективлиги кўрсаткичларини куйидаги 4-жадвал асосида кўриб чиқамиз.

2.1.3-жадвал

Ўзбекистон банкларининг даромадлилиги ва эффективлиги кўрсаткичлари¹²

(фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар		2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
1.	ROA	2,0	2,6	2,2	1,47	1,49
2.	ROE	13,4	15,0	12,9	11,42	12,20
3.	Соф фоизли маржа	4,8	6,0	5,2	4,21	4,02
4.	Фоизли спрэд	5,2	6,1	5,1	4,36	3,16
5.	Фоизли даромадлар/Даромад келтирувчи активлар	10,3	10,6	9,7	9,37	9,6
6.	Фоизли харажатлар/Фоизли харажатларни келтириб чиқарувчи мажбуриятлар	5,1	4,5	4,5	5,01	6,44
7.	Даромад келтирувчи активлар/Жами активлар	66,2	67,8	67,8	72,97	72,33

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, банк активларининг рентабеллиги кўрсаткичи (ROA) 2008 йилда 2,0 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 1,49 фоизни ташкил этган. Лекин, шуни қайд этиш лозимки, 2011 йилга қараганда банк активларининг рентабеллик кўрсаткичи 2012 йилда 1,47 фоиздан 1,49 фоизга ўсган. Банкларнинг ўз капитали рентабеллиги кўрсаткичи эса (ROE) 2008 йилда 13,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 12,20 фоизни ташкил этган.

Банкларнинг соф фоизли маржаси 2012 йилда 2008 йилга қараганда пасайиб, 2012 йилда 4,02 фоизни ташкил этган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 4,8 фоизни ташкил этган. Бу эса, депозитлар бозорида фоиз ставкаларининг тушганлигини англатади. Фоизли спрэд кўрсаткичи эса ўзгармасдан қолиб, 2012 йилда 2008 йилда қараганда 0,8 фоизли пунктга пасайган.

Фоизли даромадларнинг даромад келтирувчи активлардаги салмоғи 2008 йилда 10,3 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 9,6 фоизга тушган. Фоизли харажатларнинг фоизли харажатларни келтириб чиқарувчи мажбуриятлардаги улуши эса, 2012 йилда 2008 йилга қараганда 1,34 фоизли

¹²“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2013йил, февраль.

пунктга пасайган. Даромад келтирувчи активларнинг жами активлардаги улуши эса, 2012 йилда 2008 йилга қараганда ошган. Яъни, 2008 йилда бу кўрсаткич 66,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 72,33 фоизни ташкил этган.

Ҳозирги кунда банк даромадлари ва харажатларини бухгалтерия ҳисобида тан олиш масаласи ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Банк даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишончлилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик» тамойилларидан фойдаланса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банклари фоизсиз даромадлари таркибида юқори улушга эга бўлган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловларни ҳисобга олишда улар авваламбор тан олинади ва шундан сўнг даромадлар ҳисобварағига ўтказилади:

Дебет 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар»;

Кредит 45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар».

Ҳисобланган даромад ундирилганда эса:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи;

Кредит 16401 – «Ҳисобланган воситачилик ҳақи ва кўрсатилган хизматлар учун тўловлар».

Ҳозирги кунда кўпчилик тижорат банкларида фоизсиз даромадларни ундиришда мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлса тўғридан–тўғри даромад ҳисобварағига қилинапти, яъни:

Дебет Мижознинг ҳисобварағи;

Кредит 45249 – «Маҳаллий тўловлар бўйича воситачилик хизматлари учун олинган даромадлар».

Агар мижознинг ҳисобварағида маблағ бўлмаса юқорида келтирилган бухгалтерия ўтказмаси орқали даромад ҳисобга олиниб, маблағ келиб тушиши билан ундириб олинапти.

Фикримизча, тижорат банклари фоизсиз даромадларни мижоз ҳисобварағида маблағ бўлишидан қатъий–назар аввал ҳисобга олиб, кейин ундириб олиши лозим.

Шу билан бирга, мижозларга хизмат кўрсатиш жараёнида банклар фоизсиз даромадларни ҳисоблаб қўйгандан сўнг, мижозларнинг тўловга лаёқатсизлиги сабабли, белгиланган муддатда уни ундириб олиш имкониятига эга бўлмай қоладилар. Ушбу ҳолат банкнинг ҳисобланган фоизсиз даромадлари бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарларни қоплаш захирасини яратиш заруратини келтириб чиқаради. Бунинг учун банк ҳар бир қарздор мижоз учун очилган 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварағидаги маблағларини ҳисоб–китоб қилиши керак.

Фикримизча, 16401, 16405, 16409, 16413 шахсий ҳисобварақлардаги ҳисобланган фоизсиз даромадларнинг ўз вақтида тўланмаганларини ҳисобга олиш учун 16477 – «Олиш учун ҳисобланган, шартнома муддатида тўланмаган фоизсиз даромадлар» ҳисобварағини киритса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ушбу ҳисобварағда олиш учун ҳисобланган, лекин шартномада белгиланган муддатда тўланмаган (активлар бўйича фоизлар ва воситачилик ҳақлари бўйича балансдан ташқари ҳисобварақларига ўтказилгунга қадар ҳисобланган муддати ўтган) фоизсиз даромадлар ҳисоби олиб борилиши, банк учун қанча ҳисобланган фоизсиз даромад ўз вақтида ундирилмаганлигини билиш имконини беради.

Тижорат банкларида молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобининг мақсади – ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банк фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни тан олиш, ҳисоблаш, уларни жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдир.

Ҳозирги кунда тижорат банкларининг фойдаси қуйидаги йўналишларда фойдаланилмоқда: таъсисчилар ўртасида тақсимланаяпти; акциядорларга дивиденд сифатида берилаяпти; бюджетга тўловлар амалга оширилаяпти; банк ходимлари ўртасида тақсимланаяпти; банк капитали миқдори оширилаяпти (капитализация қилинаяпти); банкнинг махсус ва умумий захира фондлари яратилаяпти.

2.2. Тижорат банклари харажатлари ҳисоби ва унинг таҳлили

Тижорат банклари корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб-китоб, касса ва ссуда бўйича операцияларини бажаради. Шунингдек, турли ва бошқа пулли хизматларни кўрсатади. Банклар ўз фаолияти давомида операцияларни бажаришда турли хил харажатлар қилади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг даромадлари, харажатлари ҳисобини юритиш ва уларнинг даромад солиғини ҳисоблаш тўғрисидаги Низомга мувофиқ банк харажатлари баланснинг 50000 ҳисобрақами билан юритилади.

Банк фаолиятига оид харажатларга талаб қилиб олунгунча сақланадиган депозитлар ҳамда муддатли депозитлар бўйича тўланган фоизлар ёзилган, лекин тўланмаган фоизлар банк мажбуриятлари бўйича тўланган фоизлар банклараро кредитлар, банк олган қайта молиялаштириш кредитлари, муддати ўтган банклараро кредитлар бўйича тўланган фоизлар, воситачилик йиғимлари, чет эл валютасини харид қилиш учун тўланган воситачилик йиғимлари ва бошқалар киради.

Фоизсиз харажатлар турли-туман бўлади. Банкнинг харажатлари баланснинг қайси ҳисобрақамлари бўйича юритилишини назарий ва амалий жиҳатдан таҳлил этамиз. Банкнинг фоизли харажатлари яъни, талаб қилиб олгунча, жамғарма ва муддатли депозитлар бўйича харажатларнинг характери бир-бирига ўхшаш бўлиб, бу депозит мажбуриятлар учун ҳисобланган ва мижозга тўланган фоизлардир. Уларнинг баланс ҳисобрақамлари бўйича ёйилиши қуйидагича бўлади:

50101 – давлат депозитлари, яъни талаб қилиб олгунча фоизли харажатлар.

50104 – бюджет органларининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50106 – жисмоний шахсларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50108 – хусусий корхона ва корпорациялар бўйича фоизли харажатлар.

50111 – давлат корхоналарининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50114 – қўшма корхоналарнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50116 – талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50118 – индивидуал тадбиркорларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50121 – банк бўлмаган молия муассасаларининг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50126 – бошқа мижозларнинг талаб қилиб олгунча депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50601 – давлат жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50604 – бюджет органларининг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50606 – жисмоний шахсларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50608 – хусусий корхона ва корпорацияларнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50611 – давлат корхоналари жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлари.

50614 – қўшма корхоналарнинг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50616 – жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

50621 – банк бўлмаган молия муассасаларининг жамғарма депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

51100 – муддатли депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Ушбу фоизли харажатлар таснифий жиҳатдан ўхшашдир. Юқоридаги ҳисобрақамлар бўйича тузилган шартномалар асосида фоизлар ҳисобланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 50100 (50600, 51100)

Кредит – миждоз ҳисоб рақами ёки банкнинг миждоз олдидаги мажбуриятлари ҳисоб рақами.

Ҳисобот йили охирида бу харажатлар даромад ҳисобидан қопланади:

Дебет – 31206 (соф фойда)

Кредит – 50100 (50600, 51100).

Марказий банкка тўланадиган фоизли харажатлар баланс ҳисобрақамини қуйидагиларидан юритилади:

51601 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар – Востро.

51606 – Марказий банкдаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар – Ностро, овердрафт.

51611 – Марказий банк депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Бу ҳисобрақамлардан Марказий банк ҳисобрақами ёки депозитлари қолдиқ суммаларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, бухгалтерия проводкаси қуйидагича бўлади:

Дебет – 51600

Кредит – Вакиллик ҳисобрақам ёки депозит ҳисобрақами.

Бу харажатлар йил охирида фойда ҳисобидан қопланади, бухгалтерия проводкаси қуйидаги кўринишда бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 51600

Бошқа банкларга тўланидиган фоизли харажатлар ҳам 3 та бўлиб, булар баланснинг қуйидаги ҳисобрақамларида юритилади:

52101 – бошқа банкларни вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар.

52106 – бошқа банклардаги вакиллик ҳисобрақами бўйича фоизли харажатлар.

52111 – бошқа банкларнинг депозитлари бўйича фоизли харажатлар.

Бу ҳисобрақамлардан бошқа банклар вакиллик ва депозит ҳисобрақамлари қолдиқларига ҳисобланган фоизлар харажат қилиниб, йил охирида банк фойдасидан қопланади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қуйидагича:

Дебет – 52100

Кредит – депозит ёки вакиллик ҳисобрақами.

Харажатни ёпиш:

Дебет – 31206

Кредит – 52100

Ёпилмаган акцептлар бўйича фоизли харажатлар баланснинг 52606-ҳисобрақамида акс эттирилади. Қисқа муддатли ссудалар бўйича харажатлар – 53100 ҳисобрақамида, ўрта муддатли ссудалар бўйича харажатлар – 53600 ҳисобрақамда, узоқ муддатли фоизли харажатлар – 54100 ҳисобрақамда юритилади.

Ссудалар бўйича фоизли харажатларнинг таснифи ўхшаш бўлиб, улар мижозлар ёки банклардан олинган ссудаларга шартнома асосида ҳисобланган фоизларни тўлаш учун ишлатилади. Бу ҳолда бухгалтерия проводкаси қуйидагича:

Дебет – 53100 (54100, 53600)

Кредит – мижозларнинг даромад ҳисобрақами.

Қимматли қоғозлар бўйича фоизли харажатлар – 54200 ҳисобрақамида юритилади.

Бошқа фоизли харажатлар – 54902 баланс рақамида юритилади. Бу ҳисобрақамидан харажат қилинса, йил охирида у ҳам фойда ҳисобидан, яъни 31206 ҳисоб рақамидан ёпилади. Бунинг бухгалтерия проводкаси қуйидагича бўлади:

Дебет – 31206

Кредит – 54902

Банклар фаолиятида фоизли харажатлар турли-туман бўлишида ва балансда қайси ҳисобрақамларда юритилишини ва уларни фойда ҳисобидан қоплашни бухгалтерия проводкаларини назарий жиҳатдан акс эттирдик. Бундан ташқари тижорат банклари маркетинг, функционал хизматлар ҳақини тўлаш, қўриқлаш, ёнғиндан сақлаш ва алоқа воситаларини ўрнатиш бўйича қилинадиган барча ишлар фоизли харажатларни ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари мисолида харажатларнинг туркумланишини жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг харажатлари структураси¹³

(фоиз ҳисобида)

№	Харажатлар	2008й.	2009й.	2010й.	2011й.	2012й.
1.	Фоизли харажатлар	32,23	34,13	36,69	35,48	37,53
2.	Комиссион тўловлар	8,49	8,46	8,67	7,75	7,43
3.	Хорижий валютадаги зарарлар	2,16	1,90	3,48	2,46	2,38
4.	Олди-сотди ҳисоблари бўйича зарарлар	0,00	0,0003	0,0001	0,0001	0,00
5.	Инвестициядан кўрилган зарарлар	0,00	0,002	0,001	0,00002	0,001
6.	Бошқа харажатлар	0,25	0,56	0,75	0,66	0,13
7.	Операцион харажатлар	46,51	45,00	42,63	43,53	43,14
8.	Солиқ, резерв ва бошқа тузатишлар	10,34	9,94	7,78	10,17	9,39
	ЖАМИ	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0

Таҳлил қилинаётган даврлар (2008-2012йй.) мобайнида тижорат банкларининг харажатлари таркибида фоизли, операцион харажатлар,

¹³“Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг банк сектори бўйича аналитик ҳисобот материаллари.- Тошкент.- 2013йил, февраль.

комиссион тўловлар ҳамда солиқ, резервлар бўйича харажатлар асосий ўринни эгаллаган.

Фоизли харажатлар йиллар мобайнида ўсиш тенденциясига эга. Фақатгина 2011 йилда 2010 йилга қараганда 36,69 фоиздан 35,48 фоизга камайган. Фоизли харажатларнинг жами харажатлардаги улуши 2008 йилда 32,23 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич, 37,53 фоизга ўсган.

Тижорат банклари харажатлари таркибида операцион харажатларнинг жами харажатлардаги улуши йиллар мобайнида камайиб борган. Яъни, 2008 йилда операцион харажатлар 46,51 фоизни ташкил этган бўлса, 2012 йилда 43,14 фоиз, яъни 3,37 фоизли пунктга пасайган.

Тижорат банклари харажатлари таркибида солиқ тўловлари ва ажратилган резервлар бўйича харажатлар айрим йилларда камайган бўлса, айрим йилларда ўсган.

Юқоридаги фикрлардан хулоса қилинганда, тижорат банкларимиз ҳозирги кунда ҳам асосан фоиз тўловлари тўланадиган четдан жалб этилган маблағлар ҳисобига фаолият юритади. Улар юридик ташкилотлардан жалб қилган депозитлари учун маблағ сарфлашса, аҳолидан жалб қилган муддатли омонатлари учун харажатлар сарф этилган. Операцион харажатлар асосан банк фаолияти инфратузилмасини яхшилаш мақсадида амалга оширилган.

Банкнинг фоизли харажатлари бухгалтерия балансининг 50100-ҳисобрақамдан то 54902-ҳисобрақамгача бўлган моддалардан иборат. Банкнинг фаолиятида фоизсиз харажатлар ҳам мавжуд. Фоизсиз харажатлар қуйидаги ҳисоб рақамларида акс эттирилади.

55100 – кўрсатилган хизматлар учун комиссия харажатлар.

Бу фоизсиз харажатлар 55102-ҳисобрақамидан то 55195-ҳисобрақамларига тегишлидир.

Комиссион харажатлар – банк операциялар учун кўрсатилган хизмати доирасида тўланадиган фоизсиз харажатлардир.

Бу тўловларда бухгалтерия проводкаси қуйидагича бўлади:

Дебет – 55100

Кредит – хизмат кўрсатган хўжалик юритувчи субъект даромад ҳисобрақами.

Йил охирида бу фоизсиз харажатлар ҳам банкнинг фойдаси ҳисобидан тўланади. Унинг проводкаси қуйидагича:

Дебет – 31206

Кредит – 55100

Чет эл валютасида зарар 2 кўринишда акс эттирилиши мумкин.

55302 – «Спот» шартномаси бўйича зарар.

55306 – «Форвард» /Опцион/ Фьючерс шартномалари бўйича зарар.

Бу ҳисобрақамлар орқали спот, форвард, опцион, фьючерс шартномаларидан кўрилган зарарлар ҳисоби юритилади.

Бу зарарлар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ҳисоб-китоб қилинади.

55600 – Қимматли қоғозлар ва қимматбаҳо металллар билан операциялардан зарар.

55800 – Инвестициялардан зарар.

Бошқа фоизсиз харажатлар қуйидаги ҳисобрақамларида акс эттирилади:

55902 – банк мол-мулкани сотишдан зарар.

55910 – банк активларини сотишдан зарар.

55995 – бошқа фоизсиз харажатлар.

Бу зарарлар ҳам йил охирида фойда ҳисобидан қопланади.

Тижорат банклари фаолиятининг харажатлари тўғрисида тўлақонли маълумотларга эга бўлишимиз учун, улар томонидан амалга ошириладиган харажатлар миқдорига назар ташламоғимиз лозим.

2.2.2-жадвал

**Банклар харажатлари тўғрисида солиштирма
МАЪЛУМОТ¹⁴**

млн.сўм

№	Банклар номи	01.01.2012 йил ҳолатига	01.01.2013 йил ҳолатига	Ўтган йилга нисбатан		Жами харажатлардаг и улуши
				(+;-)	%	
1	Миллий банк	416 240	551 212	134 972	132,4%	16,60%
2	Асака банк	322 263	392 019	69 756	121,6%	11,81%
3	Агробанк	306 709	376 198	69 489	122,7%	11,33%
4	Саноатқурилиш банк	251 451	358 384	106 933	142,5%	10,79%
5	Халқ банки	201 737	279 427	77 690	138,5%	8,42%
6	Ипотека банк	182 671	245 695	63 024	134,5%	7,40%
7	Қишлоқ қурилиш банк	111 022	167 306	56 284	150,7%	5,04%
8	Хамкор банк	110 595	155 167	44 572	140,3%	4,67%
9	Ипак Йўли банк	93 862	121 876	28 014	129,8%	3,67%
10	Микрокредит банк	77 269	107 249	29 980	138,8%	3,23%
11	Капитал банк	70 063	106 104	36 041	151,4%	3,20%
12	Алоқабанк	56 738	88 085	31 347	155,2%	2,65%
13	Турон банк	65 026	84 433	19 407	129,8%	2,54%
14	Савдогар банк	34 557	44 711	10 154	129,4%	1,35%
15	Азия Альянс банк	16 464	43 607	27 143	264,9%	1,31%
16	Трастбанк	31 017	42 323	11 306	136,5%	1,27%
17	Инвест Финанс Банк	24 363	28 129	3 766	115,5%	0,85%
18	Hi-tech bank	10 209	19 365	9 156	0 189,7%	0,58%
19	RBS NB UZBEKSITAN	-	18 430	-	-	0,56%
20	ЎзКДБ банк	16 708	17 931	1 223	107,3%	0,54%
21	Кредит стандарт банк	24 269	13 816	-10 453	56,9%	0,42%
22	Туркистон банк	5 562	9 569	4 007	172,0%	0,29%
23	Давр банк	-	8 446	-	-	0,25%
24	Универсалбанк	6 040	8 144	2 104	134,8%	0,25%
25	Самарқанд банк	7 294	7 294	0	100,0%	0,22%
26	Ориент-финанс банк	8 730	6 842	-1 888	78,4%	0,21%
27	УТ банк	5 545	6 706	1 161	120,9%	0,20%
28	Амирбанк	-	5 361	-	-	0,16%
29	Равнақ банк	4 702	4 541	-161	96,6%	0,14%
30	Садерат банк	-	1 675	-	-	0,05%
	Жами	2 461 106	3 320 045	858 940	134,9%	100,0%

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари-2013й.

Юқоридаги жадвал маълумотлари асосида шуни кўриш мумкинки, умумий ҳисобда тижорат банклари харажатлари 01.01.2013 йилда 01.01.2012 йилда қарийб 35 фоизга ўсиб, 1,6 трлн.сўмга кўпайган. Жадвал маълумотларида келтирилган 30 та банкнинг ичида 3 та банк, яъни Кредит стандарт банк, Ориент-финанс банк ва Равнақ банкларнинг харажатлари ўтган йилга нисбатан камайган. Қолган 27 та банкнинг харажатлари жорий йилда ўтган йилга нисбатан ўсган. Жадвал маълумотларидан яна шуни кўриш мумкинки, харажатлари миқдори кўп бўлган банклар асосан республикамизнинг йирик банклари ТИФ Миллий банк, Қишлоқ қурилиш банк, Агробанк, Саноатқурилиш банк, Халқ банки, Ипотека банк ва Асака банкларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда. 01.01.2013 йил ҳолатига кўра, ушбу банкларнинг жами банк харажатларидаги салмоғи 71,4 фоизни ташкил этган. Қолган банкларнинг жами харажатлардаги улуши шунга мос равишда 28,6 фоизни ташкил этмоқда.

Банклар ўз операцион харажатларини уларнинг бош банки томонидан бир йил учун тасдиқланган ва хабар қилинган смета маблағ ажратмалари доирасида амалга оширадилар. Банкнинг операцион харажатлари сметаси бўйича кредитларни банк раҳбари тасарруф этади. Банкнинг операцион харажатлари учун ажратилган смета маблағлари ҳисобот йилининг 31 декабригача амал қилади. Тугаган йилда амалда қилинган барча харажатлар 31 декабригача ўтказилиши лозим.

Банкнинг операцион харажатлари ҳисоби банклар томонидан балансда қуйидаги тегишли ҳисобварақлар юритилади:

- «Иш ҳақи ва ходимлар учун бошқа харажатлар»;
- «Ижара ва сақлаш»;
- «Хизмат сафари ва транспорт харажатлари»;
- «Маъмурий харажатлар» ва шу кабилар. Бу ҳисобварақларга фақат ҳужжатлар билан тасдиқланган ва амалда қилинган харажатлар киритилади.

Келгуси йиллар сметалари ҳисобидан банкнинг операцион харажатлари учун қилинадиган харажатлар ҳисоби – “Пули олдиндан тўланган

харажатлар” ҳисобварағида юритилади. Бу ҳисобвараққа охирида таътилга кетаётган ходимларга тўланган иш ҳақи хусусан келаси йилга тааллуқли тўловлар, келаси йил учун газеталарга обуна бўлиш харажатлари, келгуси йиллар сметалари ҳисобидан ўрни қопланиши керак бўлган ижарага олинган биноларни капитал таъмирлаш харажатлари суммаси ва шу кабилар ўтказилади.

Янги йилнинг дастлабки кунларида шу йилга тааллуқли харажатлар. Олдиндан тўланган харажатлар номли 19925 - ҳисобварақдан Марказий банкдаги қуйидаги тегишли иккинчи тартиб ҳисобварақларига “Иш ҳақи” номли 56102, “Даврий нашрлар, китоблар, газеталар” номли 56418, “Ижарага олинган асосий воситаларни таъмирлаш” номли 56216 - ҳисобварақларга ва тижорат банкларидаги бошқа тегишли ҳисобварақларга ўтказилади.

Суммалари ҳисобидан ижтимоий суғуртага ажратмалар қилинмайдиган, ишдан бўшаганда тўланадиган нафақаларни давлат ижтимоий суғуртасига доир бадаллар бўйича ҳисоб-китоб қайдномаларини ажратиб кўрсатиш учун бу нафақа тўловлари ҳисобини алоҳида шахсий ҳисобварақларда юритиш тавсия этилади.

Операцион харажатларни расмийлаштиришда бухгалтер 29802 - ҳисобварақдаги бўлақларни ҳисобга олган ҳолда смета маблағнинг қолдиғи ушбу чиқимни тўлаш учун етарли эканлигини текширади.

“Иш ҳақи ва ходимлар учун сарфланган бошқа харажатлар - 56102”, “Хизмат сафари йўл харажатлари - 56302” ва “хизмат сафари вақтидаги кундалик харажатлар” ҳисоби юритиладиган шахсий ҳисобварақлар махсус шаклда банк ходимлари шахсий ҳисобварақлари юритилади.

Иш ҳақи банк ходимларига фақат ишланган вақт учун ва белгиланган муддатларда, ойига икки марта: ойнинг биринчи ва иккинчи ярми учун тўланиши лозим.

Ишчи ва хизматчиларга ҳисобланган иш ҳақининг барча турлари иш ҳақи фондига киритилади.

Банк ходимларини мукофотлаш тўғрисидаги низомларга мувофиқ уларга бериладиган мукофотлар 56106 – “Банк хизматчилари учун имтиёзлар” ҳисобварағида ҳисобга олинади.

Бу харажатларнинг барчаси ходимларни моддий рағбатлантириш учун қилинади ва йил охирида фойдадан қопланади ва қуйидагича берилади:

Дебет – 31206

Кредит – 56102, 56106, 56195 ва бошқалар.

56200 – Ижара ва хўжалик харажатлари турли-туман бўлади, улар йил охирида банкнинг фойдаси ҳисобидан ёпилади, яъни

56300 – Сафар ва транспорт харажатлари.

Бу харажатлар ҳам банк фаолияти асосий харажатларидан бири ҳисобланиб, йил охирида фойда ҳисобидан ёпилади.

Дебет – 31206

Кредит – 56300 ҳ.в. бўлади.

56400 – Маъмурият харажатлари.

Бу харажатлар банк фаолиятини реклама қилиш, концелярия, офис, почта, телефон, факс хизматларидан фойдаланиш, газета, журналларга обуна бўлиш, банк учун зарур бланкаларни типографиядан чиқариш билан боғлиқ харажатлардан иборат бўлади. Бу харажатлар ҳам йил охирида банк фойдаси ҳисобидан ёпилади.

56500 – Презентация ва солиқлар.

56600 – Амортизация (эскириш) харажатлари.

56700 – Суғурта ва солиқлар.

56800 – Эҳтимолли зарарларни баҳолаш.

56900 – Даромад солиғини баҳолаш.

Юқорида ёзиб ўтилган банкнинг операцион харажатларини барчаси йил охирида фойдадан ёпилади.

Юқоридаги ҳисобварақлар бўйича харажатлар бош банк белгилаган сметалар чегарасида амалга оширилади.

Демак, операцион харажатлар банк фаолиятининг харажатларини асосий қисми бўлиб ҳисобланади.

Ушбу операцион харажатларни банкларнинг молиявий натижаларидан фойдаланиб жадвал кўринишида таҳлил этамиз.

2.2.3-жадвал

Банкларнинг операцион харажатлари тўғрисида МАЪЛУМОТ¹⁵

млн.сўм

№	Банклар номи	01.01.2012 йил ҳолатига	01.01.2013 йил ҳолатига	Ўтган йилга нисбатан	
				(+;-)	%
1.	Миллий банк	137 888	180 431	42 543	130,9%
2.	Агробанк	148 801	170 618	21 817	114,7%
3.	Ипотека банк	114 009	145 398	31 389	127,5%
4.	Асака банк	95 097	127 370	32 273	133,9%
5.	Халқ банки	82 741	122 944	40 203	148,6%
6.	Саноатқурилиш банк	97 827	121 444	23 617	124,1%
7.	Хамкор банк	49 357	68 547	19 190	138,9%
8.	Қишлоқ қурилиш банк	50 148	67 290	17 142	134,2%
9.	Микрокредит банк	48 458	60 680	12 222	125,2%
10.	Ипак Йўли банк	43 607	58 309	14 702	133,7%
11.	Капитал банк	35 417	48 109	12 692	135,8%
12.	Турон банк	28 543	38 264	9 721	134,1%
13.	Алоқабанк	24 616	38 068	13 452	154,6%
14.	Трастбанк	20 397	29 438	9 041	144,3%
15.	Савдогар банк	20 460	24 353	3 893	119,0%
16.	Азия Альянс банк	8 778	22 039	13 261	251,1%
17.	RBS NB UZBEKSITAN	-	16 675	-	-
18.	Инвест Финанс Банк	10 746	14 864	4 118	138,3%
19.	ЎзКДБ банк	12 379	14 130	1 751	114,1%
20.	Hi-tech bank	4 440	13 923	9 483	313,6%
21.	Кредит стандарт банк	16 856	10 984	-5872	65,2%
22.	Давр банк	-	6 753	-	-
23.	Универсалбанк	4 521	5 235	714	115,8%
24.	UT банк	3 944	5 131	1 187	130,1%
25.	Туркистон банк	3 479	4 785	1 306	137,5%
26.	Ориент-финанс банк	6 737	4 757	- 1980	70,6%
27.	Амирбанк	-	3 094	-	-
28.	Равнақ банк	2 551	2 919	368	114,4%
29.	Самарқанд банк	2 803	2 803	-	100,0%
30.	Садерат банк	-	1 642	-	-
Жами		1 074 600	1 430 997	356 397	133,2%

Юқоридаги жадвал маълумотлари орқали шуни кўриш мумкинки, банкларнинг операцион харажатлари жорий йилда ўтган йилга нисбатан 33,2

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотлари-2013й.

фоизга ўсган. Банк операцион харажатларининг 01.01.2013 йилда 01.01.2012 йилга нисбатан Hi-tech bank ва Азия Альянс банкларда бошқа банкларга караганда юқори бўлган.

Тижорат банклари ўз фаолиятида банк харажатларини ҳисоботи тузилган шартнома тартиблари асосида акс эттирилади. Бундан ташқари банклар томонидан белгиланган тартибда рўйхат қилиб берилади.

Бу ҳисобот турли хил бўлади:

- кунлик ҳисоботлар;
- ойлик ҳисоботлар;
- чоракда тузиладиган ҳисоботлар;
- йиллик ҳисоботлар.

Демак, йил охирида барча ҳисоботлар умумлаштирилади ва йиллик ҳисобот шаклида тақдим этилади.

Ушбу ҳисоботлар ёрдамида банкнинг реал харажатлари акс эттирилади.

Ушбу ҳисоботлар юқори банк муассасаларига топширилади. Шундан сўнг юқори банкларга келиб тушган бухгалтерия ҳисоботи текширилади, таҳлил қилинади ва унинг асосида зарур бошқарув қарорлари қабул қилинади.

Ҳисобот маълумотларида номувофиқлик борлиги аниқланса, бунинг сабаблари қисқа муддатда аниқланиши ва тартибга солиниши лозим.

3-БОБ. ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАРИНИ БОШҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММОЛАР ВА УЛАР ҲИСОБИНИ ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАР АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1. Тижорат банклари даромадлари ва харажатларини бошқариш билан боғлиқ муаммолар

Бугунги кунда Республикамизда иқтисодиётни ривожлантиришга йўналтирилаётган банк хизматлари ҳажмининг ошиши, банк хизматларидан фойдаланаётган турли мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидаги мижозлар сонининг кўпайиши ва банк муассасалари томонидан кўрсатилаётган хизматлардан оқилона фойдаланиш ва улар самарадорлигини ошириш, кўрсатилаётган хизматларнинг юқори савияда ва меъёрий ҳужжатларга асосланган бўлиши, банк муассасалари фаолиятидаги барча операцияларнинг бухгалтерия ҳисобини тўлиқ ва ўз вақтида тегишли меъёрий ҳужжатларда белгилаб берилган тартибда амалга оширилиши, айниқса бу борада халқаро стандартларга амал қилиниши давр талаби бўлиб қолмоқда.

Тижорат банклари томонидан ҳисоб сиёсатини ишлаб чиқишда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига асосланилади. Ўзбекистон банкларида бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш жараёнида кўпгина ноаниқликлар келиб чиқади. Бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар билан тижорат банклари бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш тамойиллари ўртасидаги мавжуд фарқлар, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқнома ўртасидаги ноаниқликлар натижасида баъзан бухгалтерия ҳисобини юритишда чалкашликлар келиб чиқишига олиб келади.

Бухгалтерия ҳисобини юритиш билан боғлиқ меъёрий ҳужжатлар, ББХХС ва қонунчиликдаги фарқлар амалда бўлган БХХСни амалиётда

қўлланилишида қийинчиликларга олиб келади. Шу билан бирга банкларда бухгалтерия ҳисобидаги рискларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Бу рисклар банк бухгалтерия ҳисобида салбий жихатдан намоён бўлади, натижада банкнинг молиявий натижаларига етарли даражада таъсир кўрсатади.

Энг мукаммал халқаро стандартлар ҳам тижорат банкларининг реал молиявий аҳволи ва молиявий ҳисоботларидаги маълумотлар билан мос келмаслиги мумкин. Бу мумкин ҳам эмас, чунки ҳеч қандай йўл-йўриқлар банклар ўз ҳисоби ва миқдори топшириғи бўйича операцияларни амалга оширишда барча ностандарт ҳолларни акс эттиролмайди. Бундай пайтда банк назорати органлари томонидан ишлаб чиқилган дастурлар бўйича юқори малакали мутахассислар, мустақил аудиторлар томонидан бажариладиган текширувлар катта аҳамиятга эга.

Бухгалтерия назорати активларнинг сақланишини ва молиявий ҳисоботларнинг ишончлилигини таъминлашга йўналтирилган, муайян тарзда шакллантирилган ҳужжат ва ҳисоботларни юритиш таркиби ва тизими бўлиб, шу билан бирга улар қуйидагилар бўйича асосланган ишонч ҳосил қилишга йўналтирилган:

- Барча операциялар раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда;
- Банк операцияларининг ҳужжатларда белгиланган бухгалтерия тамойилларига мос тарзда акс эттирилиши активлар ҳисобини аниқ юритиш имконини таъминламоқда;
- Ходимларнинг активлар билан ишлашига рухсат раҳбарият томонидан берилган ваколатлар доирасида амалга оширилмоқда;
- Активларнинг молиявий ҳисоботларда акс эттирилган қиймати мунтазам равишда (самарали назоратни амалга ошириш мумкин бўлган тарзда) ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар қиймати билан солиштирилади ва аниқланган ҳар бир тафовутлар бўйича ўз вақтида чоралар кўрилади.

Хорижий мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi шароитида содир бўлган ва бўлаётган салбий тажрибалар бизнинг мамлакатимизда содир бўлмаслигининг олдини олиш учун тижорат банклари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг илмий асосланган йўллари ишлаб чиқиш муҳим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Олдинги параграфларда таъкидлаб ўтилганидек, тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги – бу банкнинг ликвидлиги, даромадлиги ва капиталининг етарлилиги ва банк бир вақтнинг ўзида ушбу учта кўрсаткич бўйича ижобий натижага эга бўлиши лозим. Бу эса жуда мураккаб вазифа ҳисобланади. Чунки банк юқори даражада ликвид бўлса, ёки унинг активида юқори ликвидли активлар ҳиссаси юқори бўлса, бу ҳолат даромадлик даражасининг нисбатан паст бўлишига олиб келади.

Бунда қуйидаги савол вужудга келади: қандай қилиб тижорат банки молиявий барқарорлик ва ноликвидлик муаммоларини ҳал қилиши мумкин?

Тижорат банки молиявий барқарорлигининг энг асосий кўрсаткичларидан бири – унинг ликвидлигидир, яъни банкнинг ўз олдида турган мажбуриятлар бўйича тўловларнинг ўз вақтида амалга ошира олиш қобилиятидир.

Ликвидликни бошқариш механизми банкнинг тўлов мажбуриятларини дарҳол қондириш учун етарлича ликвид даражасини сақлаб туриш зарур бўлган ресурслар ва жамғармалардан фойдаланиш нисбатининг мувофиқлигини таъминлашдан иборат бўлган ҳолда жуда оддий бўлиб кўриниши мумкин. Аммо бу масала қуйидаги омиллар таъсирида жуда мураккаблашади:

Биринчидан, банклар муддатли депозитларга нисбатан муддатсиз депозитларни жалб қилишига кўпроқ интиладилар; Иккинчидан эса тижорат банкининг мажбуриятлари асосан мижозлар хоҳлаган пайтларида, олдиндан огоҳлантирмасдан туриб олишлари мумкин бўлган муддатсиз депозитлардан иборат бўлади. Ҳозирги кунда бундай депозитлар доимий бўлмаган депозитлар деб юритилмоқда ва унинг миқдорини аниқлаб бориш ҳамда

ўрнини қоплаб бориш ғоят муҳим аҳамиятга эга. Чунки бунинг учун биринчи навбатда унинг ўрнини босадиган депозит жалб қилиниши ёки қайтарилиш муддати ва суммаси унга мос бўлган кредит ёки бошқа активлар бўлиши лозим, бунинг ҳар иккаласи ҳам мураккаб вазифа бўлиб, биринчиси кўпроқ ташқи омилларга боғлиқ бўлади ҳамда бунинг устига уни олдиндан режалаштириб бўлмайди ва эҳтимоллий даражаси пастдир. Шу сабабли, ривожланган мамлакатлар банклари бундай депозитларнинг банк баланси пассивидаги ҳиссасини муддатли депозитлар ҳиссасини ошириш эвазига мумкин қадар камайтиришга интиладилар.

Тижорат банклари, мижозлар ўзларининг муддатсиз депозитларининг катта қисмини бир вақтнинг ўзида қайтариб олмайдилар, деган нуқтаи назар билан иш кўрадилар. Бундай маблағларни жалб қилиш банк учун арзонга тушиб, кредит бериш ва бошқа активларни сотиб олиш орқали катта фойда келтиради. Бунда банк мажбурият қиймати ва активнинг даромадлилиги ўртасидаги фарқ даражасида фойда кўради.

Банк ишида маълум анъанага айланган ушбу қоидаси оддий, аммо ноаниқдир, чунки депозитлар кредитларга боғлиқ бўлмаган ҳолда умумий фаолият жараёнида жалб қилинади. Банкнинг ўз мижозига кредит бериш борасидаги ҳам бир амалиёти банк китобларида рўйхатга олиниб, активларнинг кўпайганлигини (янги кредит) ва унга тенг бўлган миқдорда янги муддатсиз депозит шаклидаги пассивнинг кўпайганлиги белгиланади. Мижоз томонидан олинган кредитнинг сарфланиши билан ушбу сарфланган маблағлар мазкур депозитдан ўчириб борилади.

Агар бутун банк кўламида бирламчи қарз олувчи томонидан сарфланган пул маблағларни банкнинг бошқа мижозлари томонидан бевосита ёки билвосита олган бўлсалар ва депозитдан олинган пул миқдоридаги маблағ банкка қўйилмаса, унда банк олдида ликвидлик муаммоси юзага келади. Ликвидликнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил натижасида аниқланмас экан банк ликвидлик муаммоларини ҳал қила

олмайди. Агар бундай ҳолларда қарз бермаслик йўлидан борилса, ликвидлик муаммоси авж олиб бошқа салбий оқибатларга олиб бориши мумкин.

Алоҳида банк тўлов мажбуриятларини қондириш учун етарли бўлган миқдорда бошқа банклар ва Марказий банкдан дарҳол кредит олиш имкониятини йўқотмагунга қадар ликвидлик муаммосига дуч келмайди. Ўз навбатида эса ликвидликни бошқариш Марказий банк ва бошқа банклардан исталган вақтда ва миқдорда кредит олиш учун банкнинг улар қўйган андозаларига доимий жавоб беришидан иборат.

Бу андозалар иқтисодиётининг ривожланиши даражасига кўра турли мамлакатларда турлича бўлади, аммо барча ҳолларда мавжуд маълумот асосида банк ишини баҳолашга асосланади.

Ўзбекистонда мавжуд ҳолат ва жаҳон амалиётидан келиб чиққан ҳолда бу талаблар қуйидагиларга мужассамлашади: банкнинг банк тизимида қозонган обрўси; банкнинг нашр қиладиган ва бошқа банкларга йўллайдиган маълумотлари; Марказий банкка тақдим қилиш шарт бўлган маълумотлар.

Ушбу маълумотларни тақдим қилиш асосида банк фаолиятига баҳо бериб борилади ва банк Марказий банк томонидан белгиланган андозалардан чиқмаса, у исталган пайтда Марказий банкдан кредит олиши ва қисқа муддатли ноликвидлик муаммосини бартараф этиши мумкин.

Тижорат банки фаолиятининг маълум даврида ноликвидлик муаммоси юзага келишига ташқи ва ички омиллар сабаб бўлиб, ушбу муаммони ҳал қилишнинг йўллари мавжуд ва булар умумлаштирилган. Ташқи ва ички омиллари салбий хусусиятлари намоён бўлганда ноликвидлик юзага келади. Банк ноликвидлик муаммосини асосан қуйидаги учта ҳолатда юзага келтиради, булар:

- а) муддати етган кредитларнинг қайтмаганлиги;
- б) катта суммадаги депозитларнинг олиниши;
- в) банк ресурсларининг ортиқча сарфланиши.

Бу ҳолатларнинг юзага келиши ўз навбатида маълум омиллар таъсир кўрсатади, аммо улар бир-бирига узвий боғланган бўлади ва бунда ички

омиллар банк бошқаруви сифатининг роли бениҳоя каттадир. Бу ҳолатларнинг биринчиси бир томондан банкка иккинчи томондан эса банк миждозларининг молиявий ҳолатига боғлиқ бўлса, учинчи ҳолатда банк ресурсларининг ортиқча асоссиз сарфланиши бевосита банк раҳбариятига боғлиқ бўлади. Банк учун қимматбаҳо машина, мебел ва бошқа жиҳозлар олиниши, ортиқча хизмат сафарлари ва турли дабдали тадбирлар ўтказиш кабилар ҳам банкнинг молиявий ҳолати ҳамда обрўсига таъсир ўтказиши ва бундай харажатларга фақатгина барқарор даромадга эга бўлган банклар йўл қўйиши мумкин.

Кредит йиғмаси сифатининг пасайиши, банк ресурсларининг ортиқча сарфланиши ва бошқа ҳолатлар эса иккинчи ҳолат йирик депозитларнинг олинишига сабаб бўлади.

Банкнинг ноликвидлик муаммосини унга йўл билан ҳал қилиш мумкин. Булар: банклараро кредит олиш; Марказий банкдан кредит олиш; ликвид активларни сотиш. Ҳозирги даврда тижорат банклари қисқа муддатли ликвидлик муаммосини ҳал қилиш учун кўпроқ банклараро кредитлардан фойдаланмоқдалар.

Марказий банк кредитлари, депозитлар ёки банклараро кредитларни олишлари учун тижорат банклари Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида ўтказиладиган кредит ресурслари аукционидан иштирок этишлари ва кредит ресурслари аукционидан ғолиб чиққандан қониқарли ўрн олишлари мумкин. Тижорат банклари кредит ресурслари аукционига қатнашиши ҳуқуқини олишлари учун қу йидаги талабларга жавоб беришлари лозим:

- молиявий ҳолати ва статусига кўра Марказий банк томонидан ўрнатилган андозаларга жавоб бериши ва бу борадаги Марказий банк тегишли бўлинмаларининг ижобий хулосаларига эга бўлиши;

- тўланган устав капитали расмий белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан оз бўлмаслиги лозим;

- ликвидликнинг норматив нисбатлари кўрсаткичларининг Марказий банк талабларига мос келиши;

- капиталнинг етарлилиги коэффицентига тўла риоя қилинганлиги, яъни банк мажбуриятлари унинг I даражали капиталининг 10 ҳиссасидан ортиб кетмаган бўлиши;

- банкнинг кредит йиғмасидаги муддати ўтган қарзларнинг банк капитали ва мажбуриятларининг 10 фоизидан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Шундай қилиб, ноликвидликни бартараф қилишнинг энг асосий йўли банк мажбуриятларининг ҳозирги ва потенциал эгалари (масалан, омонатчилар, кредитловчи банклар ва Марказий банк) билан яхши муносабатда бўлиш ва уларнинг талабларига жавоб беришдир.

Белгиланган ҳисоботлар ва маълумотларнинг банк томонидан тўла ва ўз вақтида Марказий банкка етказиб берилиши ҳам тижорат банкига бўлган ишончнинг ошишига сабаб бўлади. Агар банк ўзининг олдида турган қийинчиликларини ва уларни бартараф қилиш бўйича кўрган чоратadbирларини Марказий банкка ўзи маълум қилса, бу банкнинг обрўсига унчалик таъсир кўрсатмайди. Энг асосийси эса Марказий банк ишончини оқлаш ва банк обрўсини шакллантириш, бу эса ўз навбатида банкнинг ўз ликвид (маблағларини) воситаларини мақбул қилиш қобилятидир.

Халқаро амалиётда банклар қайси андозаларга мос келиши лозим деганда биз қуйидагиларни тавсия этамиз.

Банк ўз мажбуриятларини (муддатсиз депозитларнинг 70-80 фоизидан ташқари) уларни тўлаш муддати етиб келганда бажара олиш қобилятини аниқ топа олиш лозим. Бунда мижозлар банкка қўйган муддатсиз депозитларнинг сурункали олинмайдиган қисмининг миқдори, омонатчиларнинг олдинги ҳаракатлари асосида ҳамда уларнинг мазкур банкда депозитларни сақлаш истагидан қайтмаслиги нуқтаи-назаридан аниқланади.

Бу жаҳон амалиётида учрайдиган муҳим масала бўлиб, жаҳондаги жуда оз банклар улардаги муддатсиз депозитлар қисқа вақт, масалан: бир неча кун ёки ҳатто ой мобайнида олинган тақдирда ўз фаолиятини йўқотишларсиз давом эттиришлари мумкин.

Бу ҳолат шу билан изоҳланадики, озгина истиснодан ташқари ҳеч қайси бир банк ўз олдида ҳосил бўлган ликвидлик инқирозини бошқа банклар ёки Марказий банкнинг ёрдамисиз бартараф эта олмайди. Бу ҳолат шуни билдирадики, агар банк ўзига зарур бўлган пул маблағларини қарзга ололмаса, ликвидлик инқирози банкни банкротликка олиб боради.

Ликвидлик инқирози юзага келганда банк қандай тадбирларни амалга ошириши керак деганда биз банк қуйидагича йўл тутиши лозим деб ҳисоблаймиз.

Биринчи қадамда қисқа давр (масалан 1 соат) мобайнида банк раҳбарияти банкдаги ҳақиқий ҳолат тўғрисида аниқ ва тўлиқ маълумот олиши лозим. Бу эса ҳар банкнинг бош банки ва жойлардаги бўлимлари орқали ўтадиган пул маблағларининг келиши ва кетиши оқимларини доимий назорат қилувчи бўлиималари жумладан, актив ва пассивларни бошқариш бошқармаларининг мавжуд бўлиниши тақозо қилади. (Ҳозирги даврда кўпгина банкларда бундай бошқармалар ташкил қилинган лекин уларнинг фаолияти талаб даражасида деб баҳолаш қийин)

Ушбу бошқарма банк фондлари (маблағлари), уларнинг ҳаракати санасидаги амалдаги ҳолати тўғрисида маълумотга эга бўлиши лозим. Бунинг учун ушбу бошқарма мажбурий тарзда келиб тушадиган фондларни тақсимлаш ва барча ташқи тўловларни амалга оширишни тўла назорат қилиш ҳуқуқига эга бўлиши лозим.

Иккинчи қадам банкнинг келгусидаги ликвидлигини таҳлил қилишдан иборат бўлади. Бунинг учун барча кутилаётган фондлар ҳаракатини рўйхатга олиш лозим, чунки агар ликвидлик кечиктириб бўлмайдиган муаммога айланса (масалан: тўлайсизми ёки йўқ деган савол кўндаланг турса) тўлов талабларини агар улар олдиндан маълум бўлса, тўлов муддати етиб келиши билан тўлаш борасидаги ҳаракатларни режалаштириш имкониятини беради.

Бу шуни билдирадики, активлар ва пассивлар бошқармаси тўловлар ва тушум муддатлари бўйича маълумотларнинг ҳар кунлигини ҳеч бўлмаганида бир неча кейинги ой мобайнидага давр учу хронологик жадвалларини тузиши

ва доимий равишда юритиб бориши лозим. Агар банкнинг компьютер тизими барча активлар мажбуриятлар ва балансдан ташқари қийматликларни муддатларини ҳар кунлик рўйхатини тузиш салоҳиятига эга бўлмаса, унда бу тадбир ҳар ҳафта ёки ҳар ой мобайнида ўтказилиш лозим.

Бу унча оддий бўлмаган вазифа бўлиб муддатсиз депозитларни юқорида баён қилинган тартибда рўйхатга олишдан ташқари бошқа ноаниқ ва ўзгарувчан муддатларга эга бўлган банк амалиётлари ҳам мавжуд.

Буларга депозитлар ёки қарзларини қайтариш муддати олдин маълум қилиниши мумкин (масалан: 30 кун ёки 1 йил олдин) бўлган депозитлар, иккаламчи бозорда сотилиши мумкин бўлган муддатли активлар (қимматли қоғозлар ва айрим ҳолларда кредитлар) ёки муддатсиз активлар (акциялар, кўчмас мулк ва ҳ.к.) уларни сотиш орқали ликвидлик инқироzi бартараф қилиш мумкин.

Тижорат банки молиявий ҳисобот кўрсаткичлари миқдори ва таркиби динамикасини таҳлил қилиш ва тартибга солиш масаласи ҳам молиявий барқарорликни таъминлашнинг муҳим йўналишидир. Бунда активлар таркиби ўзгаришини кузатиш учун банкнинг жалб қилинган ва ўзлик маблағлари динамикасини аниқлаш, актив ва пассив амалаётлар кўлами ва фойдасини аниқлаш лозим бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоб кўрсаткичлари миқдори ва таркиби динамикасини ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шундан келиб чиққан ҳолда молиявий ҳисоб кўрсаткичлари миқдори ва таркиби динамикасини ўрганиш ва баҳолашни учта кетма-кет давомий санада ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бундай тартиб банк фаолияти ривожланиш тенденцияларининг барқарор тушиб боровчи ёки кўтарилиб боровчи тавсифга ёки узоқ тренд тавсифга эга эканлигини аниқлаш имкониятини беради.

Тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминлашнинг шартларидан бири айрим ёки фавқулодда ҳодисаларнинг активлар ўртача қийматлари қайтиши даражасига таъсиридир.

Фойдалилик банкнинг ўз маблағларини кўпайтиришнинг энг ишончли манбаи бўлиб, бу маблағлар банк фаолиятидан кўриладиган зарарларни коплашга сарфланиши мумкин. Бундан ташқари банкнинг рентабеллик даражаси асоссиз равишда анча юқори бўлмаслиги лозим, чунки юқори даражадаги рентабеллик катта зарарлар хатари билан бирга келади. Энг яхши бошқариладиган банк ўз харажатларини қатъий назорат қила олиши ва кредит лаёқатли қарз олувчиларни тўғри танлай олиш эвазига ўртачадан юқорироқ рентабелликка эриша олади. Юқори фойда олвчи банк одатда, эҳтиёткор банк аллақачон воз кечган амалиётларни ўтказиш орқали бундай фойдага эришган банк бўлиб, бундай банкни молиявий барқарор деб бўлмайди. Тижорат банки молиявий барқарорлигини таъминловчи асосий йўл бу банк амалиётини хатарсиз ва самарали ўтказишдир.

Бунда қуйидаги учта кўрсаткичга алоҳида эътибор бериш лозим: булар а) амалиётларнинг алоҳида турларини ўтказиш самарадорлиги; б) амалиётлар ҳажми; в) ушбу амалиётлар ўтказилаётган даврда банк ўз зиммасига оладиган хатар даражаси. Банк амалиётлари хатардан қанчалик холи бўлса, банк шунга мувофиқ равишда молиявий барқарор бўлади.

Кредит амалиётлари банк даромади ва фойдасини шакллантириш асоси бўлаганлиги сабабли банкнинг барқарорлиги кўп жиҳатдан ушбу амалиётлар самарадорлигининг таъминланганлигига боғлиқ. Бу таъминланганлик биринчи навбатда кредитлаш борасидаги ўрнатилган иқтисодий номативларга риоя қилиш, мижознинг молиявий ҳолати ва таъминотини тўғри баҳолаган ҳолда ишончли мижозларга кредит беришда, кредит таъминотини тўғри баҳолаш ва шартномаларини қонуний расмийлаштиришда, кредит мониторингини таъсирчан ва изчил ўтказишда, белгиланган муддатда қайтмаган кредитни ундириш борасида банкнинг қатъий ва самарали тизимининг мавжуд бўлишида намоён бўлади.

Ҳар бир банк амалиётини самарали амалга ошириш билан бирга ликвидликни, актив ва пасивларни самарали бошқариш, уларнинг ҳаракатини қайтарилиш муддати ва суммасига кўра бир-бирига

мувофиқлаштириш, шунингдек спред – улар ўртасидаги фарқни бошқаришни юқори даражага кўтаришга ҳам банкнинг молиявий беқарорлигининг келиб чиқишини бартараф этувчи асосий омил сифатида қараш лозим.

Шуни хулоса қилиш мумкинки, бозорда ўзининг салмоқли ўрнини эгаллаган, мувозанатлашмаган ликвидлик хатарини аниқлаш ва назорат қилиш имкониятига эга бўлган, оқилона бошқариладиган, кредитга лаёқатли банк ҳам омонатчилар ўртасида тарқалган миш-мишларга қараб ўз омонатларини оммавий тарзда олган ва бошқа омиллар таъсирида банк қисқа даврда ўзининг тўловга қобилиятлигини йўқотиш мумкин. Аммо шундай вақтда юқоридаги талабларни назорат қилувчи орган – Ўзбекистон Республикаси Марказий банк талабларига мос келувчи банк банклараро кредит ёки Марказий банкдан кредит олиб, ўзининг муддати келган ҳамда кечиктириб бўлмайдиган мажбуриятларини бажариши мумкин.

Шундай қилиб, тижорат банки молиявий барқарорлиги шу жумладан ликвидлиги ва фойдалилигини таъминлашнинг асоси банк амалиётлари барча қоидаларга риоя қилган ҳолда амалга ошириш билан активнинг юқори сифатини таъминлаш ташкил этади. Банк амалиётларини пухта ўтказиш банк хатарларини ўз вақтида ва тўла аниқлаш, унга қарши жавоб чораларини кўриш эса ўз навбатида банк ходимларининг юқори малакаси, мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятининг юқорилиги, иш шароитлари, замонавий технологиялар билан қуролланган даражасига бу ҳам биринчи навбатда банкни бошқариш сифатига боғлиқ бўлади.

3.2. Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш йўналишлари

Тижорат банкларимизнинг умумий молиявий ҳисоботларига тижорат банки баланс ҳисоботи (0110 BS – шакл), фойда ва зарарлар ҳисоботи (0204 IS - шакл), фоизли даромадлар ва харажатлар таҳлили (0206 IS - шакл), банк капитали ҳисоб-китоби (3004 CAR-шакл) ва таваккалчиликка тортилган

активлар ҳисоб-китоби (3006 CAR-шакл) киради. Тижорат банклари томонидан белгиланган муддатлар ва давомийликда тайёрланиб банк фаолиятини назорат қилувчи асосий давлат органи - Марказий банкка тақдим қилинадиган мазкур ҳисоботлар банкнинг ҳозирги молиявий ҳолати, унинг динамикасини аниқлаш ҳамда баҳолаш имконини беради.

Биз замонавий бозор иқтисодиёти шароитида бухгалтерия ҳисобининг ўрни ҳақида сўз юритганимизда бу банкларга ҳам тенг равишда таълуқли эканлигини кўришимиз мумкин. Агар корхона бир неча корхона ва бошқа субъектлар билан муносабатда бўлса, банклар эса бир кунда ўнлаб хаттоки юзлаб субъектлар билан алоқа қилади.

Шунинг учун ҳам банк бухгалтерия ҳисоби маълумотларидан фойдаланиш доираси ҳам жуда кенгдир. Хусусан, бухгалтерия ҳисоби ва шу асосда тузиладиган банкнинг молиявий ҳисоботлари, унинг маълумотлари Давлат тартибга солиш идоралари жумладан, Марказий банк, Молия Вазирлиги, Давлат Солиқ Қўмитаси учун тижорат банкларининг молиявий аҳволи, пул муомаласининг ҳолати, иқтисодиётдаги ҳисоб-китоблар ҳолатини, дебитор-кредитор қарздорликлар ҳолатини ўрганиш учун ўта муҳимдир.

Банк эгалари ва унинг хиссадорлари учун бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида тайёрланган молиявий ҳисоботларнинг маълумотлари, уларнинг ҳаққонийлиги, очиқ-ойдинлиги жуда муҳим бўлиб ҳисобланади. Банк эгалари учун ва унинг хиссадорлари учун бу маълумотлар банк маблағларининг қандай жалб қилинаётганлиги, улардан қай усулда фойдаланилаётганлиги, банк актив операциялардан қандай молиявий натижалар кутилаётганлигини билиш учун жуда муҳимдир.

Бундан ташқари, бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк раҳбарлари, унинг ходимлари, айни чоғда банк мижозлари учун ҳам қизиқарлидир. Чунки банк раҳбарлари ва барча ходимлари банкнинг кунлик активлари ва мажбуриятларининг ҳолати, даромадлари ва харажатларининг структураси

билан қизиксалар, банк мижозлари эса банк ликвидлиги ва унинг барқарорлик даражасини билишни истайдилар.

Демак, банк бухгалтерия ҳисоби маълумотлари банк ҳақидаги аниқ маълумотларни олиш нуқтаи назаридан Марказий банк, Солиқ назорати идоралари, барча тижорат банклари ва мижозлар, банк акциядорлари, мавжуд ва бўлғуси инвесторлар учун жуда зарурдир. Бу маълумотлар асосида банкнинг ликвидлиги, йўл қўяётган хатари, резервлари, кредит портфели ҳолатини белгилаш имконияти яратилади. Умумий қилиб айтганда, бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда ҳисоб маълумотлари нафақат ички, балки юқори бошқарув учун зарурлигини ҳисобга олиш билан бирга, ташқи фойдаланувчилар эҳтиёжи ҳам эътиборга олиниши керак.

Банк фаолияти бўйича молиявий ҳисобот маълумотларидан билвосита фойдаланувчилар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг ҳам ўзига яраша манфаатдорлиги бор. Бундай фойдаланувчилар типига қўйидагиларни киритиш мумкин:

- аудиторлик фирмалари;
- қимматли қоғозлар биржалари;
- қонунчилик идоралари;
- ҳуқуқшунослар, жумладан, хўжалик суди вакиллари;
- матбуот ва ахборот агентликлари;
- суғурта идоралари,
- касаба уюшмалари ва бошқалар.

Банкларда бухгалтерия ҳисобини ташкил этишда ҳисоб ишлари ҳажмини аниқлаб олиш, бухгалтерия ходимлари сонини, улар ўртасида ҳисоб ишлари тақсимотини, қўлланиладиган ҳисоб шаклини, ҳисоб ишларида ҳисоблаш техникаларидан фойдаланилишини белгилаб олиш керак бўлади. Шу билан бирга, банк фаолиятига таълуқли қарорларнинг тўғри қабул қилиниши бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоб маълумотларини ўз вақтида ва тўғри тузилганлигига боғлиқ бўлади. Ўз вақтида олинмаган ёки нотўғри юритилган бухгалтерия ҳисоб маълумотлари, нотўғри қарорлар

қабул қилинишига, натижада банкларнинг зарар кўришига, баъзи ҳолларда эса банкротлик ҳолатига келишига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда бир қатор тамойилларга асосланилади. Бу тамойиллар “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ҳамда молиявий ҳисоботларнинг халқаро стандартларида кўрсатиб берилган бўлиб, улар қуйидагилардир:

Тушунарлилик. Молиявий ҳисоботда тақдим этирилган маълумотнинг асосий сифати, бу фойдаанувчилар томонидан тушунарли бўлишидир. Бунда, фараз қилинадики, фойдаланувчилар хўжалик ва иқтисодий фаолият соҳасида, бухгалтерия ҳисоби соҳасида етарлича билимларга эга бўлиш, шунингдек талаб қилинадиган даражада қунт билан ҳаракат қилиш истаклари бўлиши лозим. Бироқ, мураккаб саволларга тааллуқли, фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларни қабул қилиши учун ўринли бўлган маълумот, фақат маълум фойдаланувчилар томонидан тушуниш мураккаблиги сабабли чиқариб ташланиши мумкин эмас.

Ўринлилик. Фойдали бўлиш учун маълумот қарорлар қабул қилувчи фойдаланувчилар учун ўринли бўлиши керак. Фойдаланувчиларни иқтисодий қарорларига таъсир этиб, уларга ўтиб кетган, ҳозирги пайтда амалга ошириладиган ва келажакда бўладиган ҳодисаларни баҳолаш учун ёрдам берадиган ёки уларни тасдиқлайдиган ёхуд аввалги баҳоларни тузатиш имкониятини яратган маълумот ўринли деб ҳисобланади.

Муҳимлик. Маълумотнинг ўринлилигига унинг тавсифи ва муҳимлиги жиддий таъсир кўрсатади. Баъзи ҳолатларда фақат маълумот тавсифи унинг ўринлилигини аниқлаш учун етарли бўлмайди. Масалан, янги сегмент ҳақидаги маълумот, ҳисобот даврида ушбу янги сегмент томонидан эришилган натижалар муҳимлигидан қатъий назар таваккалчилик ва имкониятларни баҳолашга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Бошқа вазиятларда тавсиф ҳам, муҳимлик ҳам жиддий аҳамиятга эга, масалан муайян фаолият турига тегишли, мавжуд бўлган асосий заҳираларнинг ҳажми.

Маълумот шундай вақтда муҳим бўладики, агарда шу маълумотнинг берилмаслиги ёки унинг нотўғри талқин қилиниши фойдаланувчилар томонидан иқтисодий қарорларни қабул қилишга ўз таъсирини кўрсатса ёки мазкур қарорни ўзгартириш эҳтимоли мавжуд бўлса. Муҳимлик, муайян шароитда баҳоланадиган маълумотни бермаслик ёки уни бузиб кўрсатилишига боғлиқ хато ёки модданинг миқдорига боғлиқдир. Шундай қилиб, муҳимлик маълумот фойдали бўлиши учун унинг асосий сифат тавсифи бўлмай, одатда ҳисоб бошланишининг нуқтаси сифатида кўрилади.

Ишончлилик. Фойдали бўлиши учун маълумот шунингдек ишончли бўлиши керак. Маълумот агар унда аҳамиятли хато ёки билиб қилинган бузиб кўрсатишлар бўлмаса, фойдаланувчилар ушбу маълумотга ҳаққоният билан тақдим этилганлигига таяниши мумкин бўлса, ишончли деб ҳисобланади.

Маълумот ўринли бўлиб туриб, ўз тавсифи ва тақдим этилиши бўйича шунчалик ишончли бўлмаслиги мумкинки, унинг тан олиниши кейинчалик янглиш қарорларни қабул қилинишига олиб келиши мумкин.

Ҳаққоний ва ҳолис тақдим этилиши. Фойдали бўлиши учун, маълумот хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволи, операциялар натижалари, пул маблағлари ҳаракати тўғрисида ҳаққоний ва ҳолис тасаввур яратиши керак. Шундай қилиб, масалан, мувозанат операциялар ва бошқа ҳодисаларни ва уларни амалга ошириш натижаси бўлган, тан олиш мезонларига жавоб берадиган компаниянинг активлари, мажбуриятлари ва капиталини ҳаққоний ва ҳолис акс эттириши керак.

Мазмунининг шаклдаи устунлиги. Агар ҳисоб-китоб ҳужжатларида ва молиявий ҳисоботда ахборот операциялар ва воқеаларнинг мазмунини ишончли даражада акс эттирса, бундай ахборот унинг ҳуқуқий шакли билангина эмас, балки моҳияти ва ҳақиқийлиги билан мувофиқ ҳолда ҳисобга олиниши ва тақдим этилиши зарур. Операциялар ва бошқа ҳодисаларнинг мазмуни уларнинг ҳуқуқий ёки белгиланган шаклига ҳар доим ҳам мувофиқ келмайди.

Молиявий ҳисоботдаги бетарафлик. Молиявий ҳисоботда бериладиган ахборот ишончли бўлиши учун тахминлардан мустақил бўлиши лозим. Молиявий ҳисобот маълумотни танлаш ва тақдим этиш билан қарорларни қабул қилинишига ёки олдиндан белгиланган натижа ёки яқунга етишиш мақсадида фикрни шакллантиришга ўз таъсирини кўрсатса у бетараф деб ҳисобланиши мумкин эмас.

Эҳтиёткорлик. Қарорлар қабул қилишда эҳтиёткорлик қоида-сига риоя қилиш активлар ва даромад қайтадан баҳо-ланмаслиги, мажбуриятлар ёки харажатлар эса етарлича баҳо-ланмаслигига йўл қўймаслик мақсадида ноаниқлик шароитида баҳо чиқариш учун зарурдир.

Консерватизм (эҳтиёткорлик) тамойили бўйича чеклов қуйидагини тахмин қилади: агар концептуал тамойиллари ва фойдаланиладиган тамойилларига мувофиқ бир ҳилдаги икки имконият мавжуд бўлса, унда, у соф фойдага ёки активларнинг умумий суммасига камроқ бўлган ижобий таъсирини кўрсатадиган имкониятни афзал деб кўриш ва қўллаш керак. Агар даромадларни баҳолашда икки турлича бўлган имкониятга рухсат этилса, ҳисоботда у энг кичик бўлган баҳо-да акс эттирилиши керак. Агар, бухгалтерия ҳисоботида даромадлар, харажатлар, фойда ва зарарларни акс эттиришда икки турлича имкониятлардан қайси бирини қўллашни ҳал этишда асосли шубҳа пайдо бўлса, соф даромадга энг кам бўлган ижобий самарани акс эттирувчи сумма кўрсатилиши керак.

Тўлиқлик. Молиявий ҳисоботларнинг ишончилигини таъминлаш мақсадида ахборот етарлича тўла ҳажмда тақдим этилиши керак.

Кўрсаткичларнинг қиёсийлиги. Молиявий ахборот фойдали ва мазмунли бўлиши учун, бир ҳисобот давридаги ахборот бошқа ҳисобот давридагиси билан қиёсланадиган бўлиши керак. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъект молиявий ҳисоботни тайёрлашда фойдаланадиган ҳисоб-китоб сиёсатидан, ана шу сиёсатдаги барча ўзгаришлардан ва шундай ўзгаришларнинг натижаларидан хабардор бўлишлари лозим.

Ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги.

Ҳисобот даврида бўлган даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги шуни англатадики, мазкур даврда ушбу ҳисобот давридаги даромадларни олишга асос бўлган харажатларгина акс эттирилади. Агар даромадлар билан харажатларнинг ўртасида бевосита боғлиқликни ўрнатиш қийин бўлса, харажатлар бирон-бир тақсимлаш тизимида мувофиқ бир нечта ҳисобот даврлари ўртасида тақсимланади. Бу, масалан, бир неча йилга тақсимланадиган амортизация харажатларига тааллуқлидир.

Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоси. Активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳолаш қоидаси шундан иборатки, уларнинг таннархи ёки сотиб олиш қиймати асосий баҳодир. Стандартларда кўзда тутилган айрим ҳолларда ҳақиқий баҳо сотиб олиш қийматидан фарқ қилиши мумкин.

Изчиллик. Ҳисоб сиёсати бир даврдан иккинчи даврга изчил ўтказилиб борилади деб ҳисобланади. Фойдаланувчилар хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий аҳволидаги ўзгартириш тамойилини белгилаш учун ҳар хил ҳисобот даврида уларнинг молиявий ҳисоботларини таққослаш имкониятига эга бўлишлари керак.

Ўз вақтида тақдим этиш. Ҳисобот ахборотининг асоссиз даражада кечиктирилиши билан у ўзининг иқтисодий аҳамиятини йўқотади. Ахборотни ўз вақтида тақдим этиш учун битимнинг ёки бошқа воқеанинг барча жиҳатлари маълум бўлгунга қадар ҳисоботга зарурат пайдо бўлиши мумкин, бу эса унинг ишончлилигини бузади. Бошқа томондан, агар ҳисобот барча жиҳатлар маълум бўлгунча кечиктирилса, ҳатто энг ишончли ахборот ҳам фойдаланувчиларга катта фойда келтирмайди, чунки улар илгарироқ қарор қабул қилишга мажбур бўладилар. Аҳамиятлилиқ билан ишончлилиқ ўртасида мутаносибликка эришиш мақсадида иқтисодий қарорларни қабул қилишда фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қандай қилиб энг яхши тарзда қондириш масаласини ҳал этиш керак.

Ҳисоблаш тамойили бўйича ҳисобни юритиш. Илгари барча ҳисоботлар касса усулини қўллаган ҳолда тузилар эди. Ҳалқаро

стандартларга кўра ҳисоблаш тамойили бўйича ҳисобни юритиш амалга оширилади. Банк томонидан ўз олдига белгилаб олинган вазифаларни бажариш учун молиявий ҳисобот ҳисоблаш тамойили асосида тузилиши зарур. У ҳисобга олиш мезонларига мувофиқ даромадни қачон ҳисобга олиш ва уни қачон ҳисоботларда акс эттириш кераклигини белгилайди. Ҳисоблаш тамойилига мувофиқ, хизматлар кўрсатилишидан олинган даромад, мижоз ушбу хизматларнинг эгаси бўлганда, яъни эгалик қилиш ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган барча рисклар ва муқофотлар унга ўтган пайтда ҳисобга олинади. Банк ўз мажбуриятларини бажармагунча, даромад ҳисобга олинмаслиги лозим. Буни банк нуқтаи назаридан ҳам, корхоналар нуқтаи назаридан ҳам кўриш мумкин. Масалан банк мижозларга кредит беради, лизинг, факторинг ва бошқа хизматларни кўрсатади. Масалан, сотувчи маҳсулот ишлаб чиқариши, хизмат кўрсатиши керак ёки бошқа компания ёки жисмоний шахсга жойдан ёки пул маблағларидан маълум бир муддат давомида фойдаланишга рухсат бериши керак. Янги шароитда доимо энг биринчи ўринда берилиши керак бўлган савол «Банк ёки сотувчи ўз мажбуриятларини бажардимми?» деган саволдир. Яъни банк шартномада келишилган муддатларда келишилган миқдорда кредит бердимми ёки корхона маҳсулот сотувига ўз вақтида сифатли маҳсулот етказиб бердимми?

Агар банк мисолида оладиган бўлсак, банк мижозга кредит берганда кредит учун мижоздан фоиз тўловлари келиб тушмасдан олдин улар ҳисоблаб борилади, хали мижоздан ундирилмасдан аввал банк даромадига кириш қилинади.

Демак, ҳисоблаш тамойили ҳисобга олишда касса тушумлари усулини эмас, балки ҳисоблаш усулини қўлланилишини талаб қилади. Шунинг учун насияга товарларни сотиш ёки хизматларни кўрсатиш бўйича тузилган битимлар одатда, пул маблағлари ҳақиқатда ҳисобварақга келиб тушган даврда эмас, балки ана шу хўжалик муомалалари ёки хизмат содир бўлган даврдаги даромад сифатида ҳисобга олинади.

Узлуксизлик қондаси. Узлуксизлик қондасида банк фаолиятининг узлуксиз фаолият кўрсатиши назарда тутилади. Ҳар бир банкнинг ҳар қандай тижорат ташкилоти каби асосий мақсади - юқори даражада фойда олишдир. Шу нуқтаи назардан банк ташкил этилгандан бошлаб фаолият юритаётган давр мобайнида ўз фаолиятини узоқ вақт давомида узлуксиз давом эттиришни олдига мақсад қилиб қўяди.

Ҳозирги кунда республикаимиз банклари томонидан бухгалтерия ҳисобини ташкил қилишда юқорида санаб ўтилган барча тамойилларга амал қилинмоқда. Бу эса банкларда бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлар асосида тўлиқ ташкил этилишига асос яратмоқда.

Хулоса

Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш объектив зарурият бўлиб, бу жараёнда бирламчи ўринни иқтисодий нормативларни белгилаш йўли билан тартибга солиш эгаллайди. Шу боисдан ҳам ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида мазкур тартибга солиш ва иқтисодий таҳлил усули етакчи мавқени эгаллайди

Республикамиз банкларининг асосий капитали таркибида акцияларнинг бозор баҳосининг ўзгариши натижасида юзага келадиган фарқ суммаси мавжуд эмас. Бунинг асосий сабаби тижорат банкларининг акцияларини қимматли қоғозлар бозорида кенг кўламда олди-сотди қилинмаётганлигидадир. Демак, республикамиз тижорат банклари ўзларининг асосий капиталлари ҳажмини ошириш ва шунинг асосида актив операциялар кўламини кенгайтириш учун реал имкониятга эгадирлар.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ликвидлиликнинг таҳлилини ҳар бир асосий валюта тури бўйича алоҳида амалга ошириш лозим. Ҳозирги вақтда республикамизнинг йирик банкларида асосий валюталар бўлиб сўм ва АҚШ доллари ҳисобланади. Таҳлил жараёнидаги ҳисоб-китобларни осонлаштириш мақсадида сўмдан бошқа барча валюталарни доллардаги эквивалентини олиш лозим. Шундай қилиб, таҳлил фақат икки валютада амалга оширилади.

Ликвидлиликни прогноз қилиш мақсадида ҳисобли активлар баланс қийматининг фақат маълум қисми олинади. Бу ҳолат шундай изоҳланадики, нақд активлар гуруҳига кирмайдиган ҳар қандай актив у ёки бу даражада ўзининг бозор баҳосини ва табиийки, ҳисобли қийматини ўзгартириши мумкин. Активларнинг бозор баҳосига нисбатан кучли таъсир кўрсатадиган омил бўлиб, иқтисодий конъюнктуранинг ўзгариши ҳисобланади. Халқаро банк амалиётида ҳисобли активларнинг бозор баҳосини ўзгаришини ҳисобга олиш мақсадида активнинг ликвидлилик коэффиценти тушунчаси киритилади. Ушбу коэффицент активни қай даражада пул маблағларига айланишини кўрсатиб беради.

Бозор конъюнктурасининг ликвидлилик коэффициенти таъсири активлар баҳосининг молия бозорларида доимий равишда ўзгариши шаклида намоён бўлади. Бу ҳолат, айниқса, қимматли қоғозлар бозорида яққол намоён бўлади.

Диссертация ишини бажариш жараёнида қуйидаги хулосалар шакллантирилди:

1. Банкларнинг кўпчилиги ягона балансга ўтишгани, Марказий бБанк томонидан банкларда бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибининг халқаро стандартларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилгани, банк ичида бухгалтерия ҳисобини юритишнинг баъзи аспектларини банкларнинг ўзига хавола қилингани албатта ижобий ҳолдир.

2. Ўзбекистон банклари амалиётида бухгалтерия ҳисобини юритиш банкларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлари тамойилларига асосланган ҳолда юритилмоқда.

3. Молиявий натижа – фаолиятга комплекс баҳо берувчи ва содир бўлган иқтисодий жараёнларни ҳаққоний акс эттирувчи даромад, харажат, фойда ва зарар кўринишидаги иқтисодий кўрсаткичлардир. Банк фойдаси эса, унинг фаолияти натижаси ва ривожланишининг асоси, капиталдан ташқари банк фаолиятида ишлатилиши мумкин бўлган маблағидир.

4. Банк даромадлари ва харажатларини ҳисобга олишда тан олиш мезонларининг бажарилиши ва бухгалтерия ҳисобининг изчиллик, ишонччилик, аниқлик, тўлиқлик ва ўз вақтидалилик тамойиллари билан бирга «эҳтиёткорлик», «ҳисобот даврида даромадлар билан харажатларнинг мувофиқлиги», «аҳамиятлилик» тамойилларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

5. Тижорат банкларида молиявий натижалар бухгалтерия ҳисобининг мақсадидан, яъни ҳисоб тизими ва фойдаланувчилар учун банк фаолияти натижалари тўғрисида маълумотларни тан олиш, ҳисоблаш, жамлаш ва уларни аниқ етказиб беришдан келиб чиққан ҳолда, молиявий натижалар ҳисобининг вазифалари белгиланди ва тизимлаштирилди.

6. Молиявий таҳлил қилиш жараёнида кенг кўламдаги маълумотлар базасидан фойдаланилсада, асосан, у бухгалтерия ҳисоби маълумотлари ҳисобланади. Хўжалик субъекти фаолият юритувчи муҳитдаги бошқа маълумотлар жумладан, молиявий бозорга тегишли бўлган ташқи маълумотлар манбаси таҳлилда деярли фойдаланилмайди. Шунингдек, ташқи таҳлилда маълумотлар фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида олиб борилади.

7. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, банк харажатлари таркибида анъанавий тарзда банкнинг бошқарув аппаратини сақлаш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари юқори салмоққа эга. Катталиги бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш ва бошқарув харажатлари ресурсларни жалб қилиш билан боғлиқ бўлган харажатлардан кейинги ўринларда туради. Таҳлил жараёнида ушбу харажатларни банк хизматлари таннархига қўшиладиган ва банк фойдаси ҳисобига амалга ошириладиган харажатларга бўлиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Тижорат банклари даромадлари ва харажатлари ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш бўйича қуйидаги илмий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Банкларнинг асосий операциялари фоиз даромади билан боғлиқ бўлганлиги сабабли, ушбу операцияларни амалга оширишни кўпайтириб ва унинг даромад таркибидаги улушини 65–70 фоизга етказса мақсадга мувофиқ бўлади.

2. Банк фаолиятининг ижобий якуний молиявий натижаси яъни, банк фойдасининг банк барқарорлигини таъминлашдаги аҳамияти глобаллашув ва жаҳон молиявий–иқтисодий инқирози шароитида нақадар катта эканлигини исботлаб турибди. Ушбу шароитда банк фойдаси ҳақида тўғри маълумотга эга бўлиш керак.

3. Тижорат банкларининг молиявий натижаларини таҳлил қилишда унга таъсир қилувчи ҳар бир омилни доимо кузатиб, ўрганиб бориш турли муаммоларнинг олдини олишга хизмат қилади. Банк молиявий натижаларини

таҳлил қилишда бир қанча усуллардан фойдаланилди. Ушбу усуллар мамлакатимиз банклари молиявий натижаларини таҳлил қилишда фойдаланса мақсадга мувофиқ бўлади.

4. Тижорат банклари молиявий натижаларини ҳар бир банк операцияси бўйича ўрганиш кераклилиги, маблағларнинг номинал ва реал қиймати бўйича таҳлил қилиниб, унинг банк фаолияти таҳлилида фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги асосланди.

5. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МХХС) асосида ҳисоботлар тузишни янада такомиллаштириш натижасида, банкларнинг молиявий натижаларини таҳлил қилишда маълумотларнинг тўлиқ бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: “Ўзбекистон”, 2003 йил 8 декабрь.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги Қонуни, 1995 йил 21 декабрь.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, 1996 йил 25 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Банк сири тўғрисида”ги Қонуни 2005 йил 25 апрел. Халқ сўзи 2005 йил 26 апрель.

II. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармон ва Қарорлари

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ- 4058 сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2008 йил 18 ноябрдаги ПФ-4053 сон.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора – тадбирларни тўғрисида”ги ПФ-3618-сонли Фармони. – Т.: “Ўзбекистон”, 2005. 7 июнь.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги сонли “Банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ -56- сонли Қарори, Халқ сўзи. – 2005. – 18 апрел.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора –

тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ – 640 сонли Қарори. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 21 май.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағлари банк айланмасига жалб этиш чора – тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 726 сонли Қарори. – Т.: “Ўзбекистон”, 2007. 7 ноябр.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори 12.07.2007 й. “Халқ сўзи” газетаси. 13.07.2007 й.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хорижий инвестициялар ва кредитларни жалб қилиш ҳамда ўзлаштиришни такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарори 24.07.2008 й. “Халқ сўзи” газетаси. 25.07.2008 й.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 6 апрелдаги “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва унинг инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ – 1317-сонли Қарори, 2010 йил 6 апрел. “Халқ сўзи” 2010 йил 7 апрель.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438-сонли Қарори, 2010 йил 26 ноябр.

III. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва бошқа ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 4 декабрдаги 422-сон «Банкларнинг кредитлари бўйича қарздорлик ўз вақтида қайтарилмаган тақдирда ундирувни қарздорларнинг ликвидли мол-мулкига қаратиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк

тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2- чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 173-177.

16. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 24 мартдаги 104-сон «Банк тизимини ислоҳ қилишга доир қўшимча чоратadbирлар тўғрисида»ги Қарори // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 120-146.

17. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1998 йил 2 декабрдаги 557-сон «Бир қарздор ёки ўзаро дахлдор бўлган қарздорлар гуруҳига тўғри келувчи таваккалчиликнинг энг юқори даражаси тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 187-192.

18. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 1999 йил 11 февралдаги 632-сон «Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари томонидан активлар сифатини таснифлаш, ссудалар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишлар ўрнини қоплаш учун ташкил этиладиган захирани шакллантириш ва ундан фойдаланиш» Тартиби // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 312-325.

19. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2000 йил 2 мартдаги 905-сон «Тижорат банклари кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида»ги Низоми // Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. – тўлдирилган 2 чи наشري. – Тошкент: «Ўзбекистон», 2003. – Б. 326-332.

20. Ўзбекистон Республикаси банк фаолиятини тартибга солувчи Қонунлар тўплами.Т.Ўзбекистон 2011 й. 448 б.

21. Ўзбекистон Республикасининг валютани тартибга солишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тўплами.Т.Ўзбекистон 2011 й. 456 б.

22. Ўзбекистон Республикаси банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қонунчилик ҳужжатлари тўплами. Т.Ўзбекистон 2011 й. 728 б.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари ва маърузалари

23. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995. – 269 б.

24. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 34 б.

25. Каримов И.А. Ўзбекистон демократик тараққиётнинг янги босқичида. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 144 б.

26. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 85 б.

27. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида/ Тузувчи Ф.М.Муллажонов. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 528 б.

28. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари / – Т.:Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

29. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

30. Каримов И.А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2011. -528 б.

31. Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.-Тошкент.: Ўзбекистон. 2011.

32. Каримов И.А. Бош мақсадимиз-кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини катъият билан давом эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2013. - 64 б.

V. Асосий адабиётлар

33. Абдуллаева Ш.З. “Банк иши” ўқув қўлланма Т. “Iqtisod-Moliya” 2010 й

34. Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.

35. Абдуллаева Ш.З., Сафарова З.Б. “Тижорат банкларининг молиявий ресурсларини бошқариш”. Т: “Iqtisod-Moliya”.2007. -200 б.

36. Абдуллаева Ш.З., Омонов А.А. “Тижорат банклари капитали ва уни бошқариш”. Ўқув қўлланма./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2006.-120б.

37. Абдуллаева Ш.З., Қоралиев Т.М., Ортиқов У.Д. “Банк ресурслари ва уларни бошқариш”. Монография./ –Т.: “Iqtisod-Moliya” 2009.-104б.

38. Абдуллаев Ё.А., Қоралиев Т.М., ва бошқалар “Банк иши”. Ўқув қўлланма - Б.М.: Т.: “Iqtisod-Moliya”, 2009. - 576 б.

39. Абдувахидов Ф.Т., Умаров З.А., Джураев К.Н. Банкларда бухгалтерия ҳисоби. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010. – 224 б.

40. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / – М.: Финансы и статистика, 2008. - 594с.

41. Лаврушина О.И. Деньги, кредит, банки. Экспресс-курс - 9-е изд. / – М.: Кнорус, 2010. – 560с.

42. Омонов А.А. Банклар ва банкларда ҳисоб.-Т.: “Akademiya”. 2006. Ўқув қўлланма. 1-нашри. 122 б.

43. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.

44. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг «Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир» ҳамда «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» номли маърузаларини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2010. – 331 бет.

VI. Авторефератлар

45. Бердияров Б.Т. Тижорат банклари актив операцияларининг даромадлилиги. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. –Т.: 2002. – 21 б.

46. Каримов Н.Ф. Рисклар ва тижорат банкларининг фойдасини шакллантириш муаммолари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 1998. – 23 б.

47. Костаев У.И. Акциядорлик жамиятларида молиявий натижаларнинг ҳисоби ва таҳлили: и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2002. – 22 б.

48. Маҳмудалиева Ё.А. Тижорат банкларининг молиявий барқарорлиги ва уни баҳолаш. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001. – 22 б.

49. Умаров З.А. Тижорат банкларида молиявий натижалар ҳисоби ва таҳлилининг назарий-услубий масалалари. и.ф.н. илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2010. – 24 б.

VII. Газета ва журналлар

50. Мухаммедов Л. Тижорат банклари барқарорлигини баҳолаш тизимининг ривожланиши. // Бозор, пул ва кредит. – 2011. - №4. 13–16 б.

51. Умаров З.А. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби // Бозор, пул ва кредит. – Тошкент, 2005. – № 11. – Б. 11–12.

52. Умаров З.А. Тижорат банклари молиявий натижаларининг иқтисодий талқини // Иқтисодиёт ва таълим. – Тошкент, 2006. –№ 1. – Б. 135–137.

53. Хошимов Э. Банк капитали ва ликвидлигини тартибга солиш: янгича ёндашувлар. // Бозор, пул ва кредит. – 2011. - №4. 43–45 б.

VIII. Статистика ва ҳисобот материаллари

54. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари.

55. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг маълумотлари.

56. “Ahbor-Reyting” рейтинг агентлигининг аналитик ҳисобот маълумотлари.

IX. Интернет сайтлари:

www.banking.com

www.org.ru

www.connect/uz.

www.Review.uz/archive/

www.imf.org.ru.

www.ownbanking.uk

www.uza.uz

www.cbu.uz